

...яқинда Тошкентга кетаётганимда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими тўхтади, техник кўрикдан ўтмасиз, жаримага тортаман, деди. Мен машинага уч йил бўлди, шунинг учун ҳар икки йилда ўтаман, десам...

6 бет

Табиики, пулнинг дарагини эшитган И.Билолов "оёғини қўлга олиб" етиб келади ва пуллари санаб олиб, чўнтагга солаётган пайтда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари қўлга олишди.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-yil 5-iyul, №27 (808)

Бош прокуратурада

Вояга етмаганлар тарбияси — масъулиятли вазифа

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия раиси, Бош прокурор Р.Қодиоров бошқарган мазкур йиғилишда никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг эрта турмушга чиқишига йўл қўймаслик, ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олиш, никоҳи бекор бўлган ва боқувчисини йўқотган оилаларда тарбияланаётган болаларга таълим-тарбия бериш, уларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиш натижалари, бу борада Тошкент ва Навоий вилоятлари ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида амалга оширилган ишлар аҳоли муҳокама қилинди.

Мажлисида таъкидланганидек, мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, никоҳланувчи ёшларнинг тиббий кўригини ташкил қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилалар турмуши бузилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қaratилиб, бу борадаги ишлар, айниқса, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижроси доирасида янада жадаллашди. Жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланадиган оила институ-

тини ривожлантириш ҳамда болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Оила кодекси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонунлари мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтамоқда.

Йиғилишда Тошкент ва Навоий вилоятларида қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, ёшларни, айниқса, қизларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш борасида мақсадли дастурлар қабул қилиниб, амалга ошириб келинганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, айрим ҳудудларда никоҳдан олдинги тиббий кўрик жараёнида аниқланган касалликларни ўз вақтида даволаш, ёшлар ўртасида эрта никоҳларнинг олдини олиш, оилавий зиддиятларни ҳал қилишга етарли эътибор қaratилмаганлиги, бу борада маҳаллий ҳокимликлар, соғ-

лиқни сақлаш идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик етарли бўлмаганлиги танқид остига олинди.

Шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар ва уларда тарбияланаётган болалар билан тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, уларни таълимга тўлиқ жалб қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмулли ташкил этишга қaratилган тadbирларни кучайтириш ва бу борада мутасадди давлат идоралари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари, комиссия аъзоси Г.Маъруфованинг ҳисobotи эшитилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун мутасадди идоралар ва жойларга юборилди.

Комиссия йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Боситинова иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил Департаменти, Молия, Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат архитектура ва қурилиш, "Ерgeo-дезкаастр", Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмиталари, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги, "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослаштирилган шўба инжиниринг компанияси, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк", лойиҳалаштириш ташкилотлари, вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари ҳамда пудратчи корхоналар раҳбарлари иштирокida Идоралараро йиғилиш бўлиб ўтди.

Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши

доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир

Унда мутасадди идоралар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросининг аҳоли муҳокама қилинди.

Йиғилишда мамлакатимизда қишлоқ жойларда хусусий уй-жойларни қуриш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилганлиги, сўнгги икки йил давомида 15 мингдан зиёд оила ҳар томонлама қўлай янги уй-жойларга эга бўлганлиги эътироф этилди. Биргина 2011 йилнинг ўзida намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,1 млн. кв.м.га тенг бўлган 7400 та хусусий уй-жой қуриб битказилганлиги, ушбу мақсад учун 576 млрд. сўмдан ортиқ инвестициялар йўналтирилиб, натижада қишлоқ аҳолисининг фаровонлиги янада ошганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, айрим маҳаллий ҳокимлик ва бошқарув органлари, пудратчи корхоналар томонидан юқорида қайд этилган қарор ижроси тўлақонли таъминланмасдан қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Қишлоқ аҳолисининг турар жой шaroитларини тубдан яхшилаш мақсадида қишлоқ массивларида уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қурилишига оид қонун ҳужжатларига сўзсиз амал қилиш лозимлиги қўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда иштирок этган пудратчи корхоналар раҳбарлари билан очик мулоқот ўтказилиб, муҳокама қилинган масала бўйича фикр алмашилди. Шунингдек, улар давлат бошқаруви ва бошқа мутасадди идоралар масъул ходимларидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Йиғилиш якунида мутасадди идораларга қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишида мансабдор шахсларнинг масъулияти ва шахсий жавобгарлигини кескин оширишга қaratилган тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати

Қонун устувор жойда тараққиёт бўлади

Барча қатори қорақалпоғистонликлар ҳам серқуёш лиёриимизнинг 21 йиллик шoliёнаси тантаналарини зўр кўтаринки руҳ билан кутиб олмақдалар. Бунинг жойларда амалга оширилаётган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Мухбиримиз Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Салом Самадов билан учрашиб, соҳада қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Салом Исмаилович, шу кунларда барча юртдошларимизнинг фикри-зикри Ватанимиз истиқлолининг 21 йиллигини муносиб кутиб олиш тараддуди билан банд десак, адашмаган бўламиз. Негаки, ўтган ҳар бир кун бизни ушбу қутлуг санага тобора яқинлаштираяпти. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органларининг шу кундаги ишлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Дарҳақиқат, истиқлол шундай неъматки, йиллар ўтган сайин унинг қадрини теранроқ англамоқдамиз. Озод ва обод Ватанда яшашнинг ўзи бахт. Унинг гуллаб-яшнаши, ривожланишига ҳисса қўшишнинг аҳамияти

инсон учун бундан ҳам улуғдир. Ана шундай ўйлайдиган, юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган юртдошларимиз прокуратура органлари ходимлари орасида ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Фаолиятимизга тўxtаладиган бўлсак, мамлакатимиз прокуратура органларининг асосий вазифаси қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузуриликларнинг олдини олиш ҳисобланади. Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси прокуратура органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаяпти. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва дав-

лат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб бартараф этилмоқда. Протест келтириш йўли билан қонунга зид ва асоссиз ҳуқуқий

ҳужжатлар қонунларга мувофиқлаштирилаяпти. Айни пайтда жазонинг муқаррарлиги тамойилидан келиб чиқиб, айбдор шахслар қонун доирасида интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда. Етказилган моддий зарарлар-



ни айбдор шахслардан ихтиёрий равишда ундириш чоралари кўриломоқда. Энг муҳими, бунда асосий эътибор фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига қaratилаяпти.

Пахта ҳалқимизнинг бе-
баҳо бойлиги ҳисобланади.
Ана шу миллий бойлиги-
миз — пахтани етиштириш
жараёнида айрим фермер-
лар ўз нафсарини устун
қўймоқдалар.

Нафс кўйидаги фермерлар

Рустамжон ҲОМИДОВ,
Улугнор туман прокурори

Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 февралдаги "2012 йилда пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ва бўзани навлари бўйича жойлаштириш тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан туманда фаолият юритаётган фермер ҳўжаликларда текшириш ўтказилди. Аниқла-нишича, мазкур қарор ижросини таъминлаш учун бўзга экилиши белгиланган 12571 гектарнинг 6236 гектарига "Андижон-35", 4764 гектари-га "Наманган-77", 1120 гекта-рига "Султон", 451 гектарига "Ўққўрган" навли уруғлик чи-гит экиш белгиланган. Жами 249 фермер ҳўжалиги томо-нидан эса ўртача 20,1 цент-нердан 23460 тонна пахта хомашёси топирилиши бел-гиланган.

Ўтказилган мониторинг тад-бирлари давомида туманда фаолият юритаётган айрим фермер ҳўжалиги раҳбарла-ри чигит экилиши режалаш-тирилган ер майдонларига бошқа турдаги экинлар экиб олишганини маълум бўлди. Хусусан, "Иминов" массивида-ги "Қирққиз" фермер ҳўжа-лиги раҳбари Ш.Яниева чи-гит экилиши режалаштирил-ган 121, 124-контурларнинг 14,4 гектар майдонига ноқо-нуний равишда полиз экинла-ри экиб олган.

Бундан ташқари, тумanning Мингбулоқ массиви ўрамини жойлашган "Бобожоновлар оиласи" фермер ҳўжалиги чи-гит экилиши режалаштирил-ган 177-контурнинг 2,5 гекта-рига қовун, Оқ-олтин массиви-да жойлашган "Дўстлик" фермер ҳўжалиги 584-контур-нинг 4,5 гектарига полиз, 594-контурнинг 4,5 гектарига тамаки, "Таъминот" фермер ҳўжалиги 1-контурнинг 5,1 гектарига маккажўҳори, 146-контурнинг 2,7 гектарига поли-з, "Улугнорда олтин куз" фермер ҳўжалиги 232-контур-нинг 6,0 гектарига полиз, Иминов массивидаги "Дил-шод" фермер ҳўжалиги 195-контурнинг 6,5 гектарига поли-з экини, "Шахриёр" фер-мер ҳўжалиги 237-контурнинг 7,6 гектарига полиз экинларини экиб, парваришни бошлаб юборишган.

2012 йил ҳосили учун чи-гит экилиши режалаштирил-ган ер майдонларига ноқонуний равишда бошқа турдаги кишлоқ ҳўжалик экинларини экиб олган тумандаги 19 на-фар фермер ҳўжаликларининг раҳбарларига нисбатан Ўзе-бекистон Республикаси МЖТК нинг 65-моддаси 1-қисми би-лан маъмурий жавобгарликка оид иш кўзгатилади ва қонун-бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари, бунга имконият яратиб бераётган шарт-шаро-итларни бартараф этиш ҳақида туман ҳокими номига тақдимнома киритилди.

Шартномага амал қилмай

Кишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар туфайли ернинг, унда етиштирилган ҳосилнинг этгасига айланган олтириқлик ми-ришкорларнинг доврўғи дoston десак, муболага қилмаймиз Пахта-ю буғдай дейсизми, бозрингу узум дейсизми, нима-ки экиб, парваришласалар, юқори ҳосил етиштирмасаан, мўмай даромад олмасаан қолмайлар. Бу ерга эгалик ҳуқуқининг самараси, авлодан-авлодаг ўтиб, бойиб бораёт-ган деҳқончилик тажрибаси, маданиятнинг маҳсули.

Тумандаги пахта, дон етиштиришга икти-сослашган фермер ҳўжаликларининг аксарияти контрактация шартномалари-ни адо этишяпти. Шартнома-ларда кўзда тутилган ҳосилни етиштириб, топширишяпти. Олган даромадларини тупроқ унумдорлигини яхшилаш, техника воситаларини янги-лаш каби деҳқончилик эҳти-ёжларидан орттириб, ободон-чилик ишларига сарфлашмоқ-да. Қонунларга оғишмай амал қилиб, иш юритаётган фермер ҳўжаликларининг сармоялари кўпайиб бормоқда. Бироқ эр-танги кунни ўйламасдан, ҳозирнинг ҳузурини кўзлаб, гайриқонуний ишларга қўл ураётганлар ҳам борки, улар тегишли тартибда жавобгар-ликка тортилмоқда.

Амалдаги Ер кодекси ва ерга оид қонунчилик ижроси ўрганилганда, далаларга режалаштирилганидан бошқа экинларни экиш, экин май-донлари, боғларда ўзбошим-чалик билан уй-жой бинола-рини қуриш каби қонунбу-

зилиши ҳолатлари аниқлан-ди. Хусусан, "Саматов Жони-бек обод" фермер ҳўжалиги раҳбарининг ўғли А.Саматов экин майдонининг 0,30 гек-тарини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ҳовли-уйга ай-лантириб олгани, 2 хонали йўл биносини қуришга ки-ришгани аниқланиб, маъму-рий жавобгарликка тортиш ҳақида иш кўзгатилади ва суд-га юборилди. Туман архитек-тура ва қурилиш бошқарма-сининг собиқ ходими ва фу-қаро Ш.Матёкубовлар эса ушбу "Саматов Жонибек обод" фермер ҳўжалигига қарашли экин майдонининг 0,10 гектарини архитектура идорасининг сохта ҳужжатла-рини тайёрлаб, томорқа си-фатида фуқаро А.Дувонақу-лов номига расмийлаштириб бериш эъазига ундан 4 минг АҚШ доллари олишган. Бун-дан ташқари, юқоридаги йўсинда фермер ҳўжалиги-нинг яна 0,10 гектар экин майдонини уй қуриб олиши учун фуқаро И.Садировга 16,5 млн. сўмга пуллаб

юборишган. Сохтакорлар ЖКнинг 228-моддаси, 1-қисми билан жиноий жавоб-гарликка тортилдилар.

"Абдулҳож" фермер ҳўжа-лигига қарашли "КАМАЗ" юк машинасининг ҳайдовчиси А.Ҳожираимов 203 минг сўмликдан зиёд 160 кило-грамм уруғлик чигитни Олти-ариқ чигит ивитиш шохобча-сидан ўғирлаб чиқаётганида ушланди. У ва шериги Р.Мир-забековларга суд энг кам ой-лик иш ҳақининг уч бароба-ри миқдорда жарима жазо-сини тайинлади. Ушбу ҳуқуқ-бузарликнинг содир этилиши-га йўл қўйган "Олтиариқ" ПТЎЖ (пахта тайёрлаш ўрин жой)нинг ходимлари инти-зомий жавобгарликка торти-лишди, посбон, амбор муди-ри ишдан бўшатилди.

Туман прокуратураси томо-нидан Вазирлар Маҳмаси-нинг 2012 йилда мева ва саб-завот маҳсулотлари, картош-ка, полиз экинлари ва узум етиштириш ҳамда улардан фойдаланишнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги қаро-рининг ижроси мониторинг тарзида ўрганилганда, аниқ-ланишича, қайта ишлаш кор-хоналари билан фермер ҳўжа-ликлари ўртасида шартнома-лар тузилмаган, шу асосда ол-диндан 30 фоиз миқдорда бўнак маблаглари тўланма-ган. Ушбу ишга масъул шахс-лар интизомий жавобгарлик-

Анатолий МИРЗАЕВ,
Олтиариқ туман прокурори

ка тортилиб, туман ҳокими номига тақдимнома киритил-ди.

Мониторингларда шунинг-дек, гайриқонуний равишда полиз, сабзавот етиштирила-диган майдонларнинг, тўздор-ларнинг муайян қисми бог қилиб олинган, аксинча, бог ўрнида иссиқхона қурилган ҳолатлар аниқланиб, 4 та фер-мер ҳўжалигининг раҳбарла-рига нисбатан маъмурий жа-вобгарликка оид иш кўзгатила-ди. Худди шунингдек, қорва-чилик йўналишидаги фермер ҳўжаликларида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун тегишли прокурор назорати ҳўжатла-ри қўлланилди.

Кишлоқ ҳўжалигидаги ис-лохотлар ўз самарасини бер-моқда. Ернинг, унда етишти-рилган ҳосилнинг ҳўжалини-га айланган фермер ҳўжалик-ларининг эгалари тупроқ унумдорлигини ошириш, аг-ротехника қондаларига амал қилиш орқали юқори ҳосил етиштиришга, имкон қадар кўпроқ даромад олишга инти-ляшяпти. Ҳалқимизнинг киш-лоқ ҳўжалиги маҳсулотлари-га эҳтиёжини тўлақонли кон-дириш билан бирга, хорижга экспорт ҳажмининг ҳам кўпай-тиришяпти.

Ҳаётда айрим шахслар билими, юксак иқтидори, янгиликка ўта қизиқиши билан бошқалардан ажралиб туради. Бундайлар узоқ вақт мобайнида ўқиб, изланиб, охир-оқибат бирон нарса кашф этадилар, яъни янгилик яратадилар. Аксарият ҳолларда бундай каш-фиётлар амалиётга татбиқ этилади ва ўша шахсга фойда келтириш билан бирга, халққа ҳам қўлайлик туғдиради.

«Ихтирочи»лик ҳам эви билан...

Кашақадарёлик Тўлқин Те-миров ҳам болалигидан янгиликка ўч бўлганми ёки бундай «қобилият» унда кей-инчалик пайдо бўлдимми, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Аммо нима бўлганда ҳам бирор янгилик яратиш борасида бош қотирган Тўлқинбой охири бир қарорга келди-да, ишга киришди. У даст-аввал нотаниш бир одамдан 270 минг сўмга қадоклаш ускунаси-ни сотиб олди. Сўнгра пойтахт-га келиб, "Карвон" бозоридан оғирлиги 15 килограммга қол-ларга солинган кир ювиш қуку-нини 10 минг сўмдан сотиб олиб, ўзи ижарада истикомат қилаётган уйга олиб келди. Шунингдек, "Мей Фу", "Беркут" ҳамда "Зелёный чай" номли поли-этилен пакетларни ҳам харид қилади-да, буларни ҳам уйга келтириб, "ихтиро"сини амал-га оширишга киришди.

Бунинг учун кир ювиш қуку-нига ароматизатор қўшиб, ара-лаштириб, полиэтилен пакет-ларга 30 граммдан солиб, қадок-лаб чикди. Маҳсулот тайёр бўл-гандан кейин яна "Карвон" боз-орига йўл олди ва пуллаб бош-лади...

Орадан икки ойга яқин вақт ўтди. Жорий йилнинг январь ойи-да яна бозорда пайдо бўлган Т.Те-миров 30 қоп кир ювиш қукунини харид қилиб, уйга энди олиб кел-ган ҳам эди, ораксидан устакта нозир билан СВОЖДЛКК Де-

Маъруфжон АХМЕДЖАНОВ,
СВОЖДЛКК Департаментининг
Шайхонтоҳур туман бўлими бошлиғи
ўринбосари

партаментининг Шайхонтоҳур ту-ман бўлими ходимлари кириб келишди ва унинг ноқонуний фа-олиятига чек қўйишди.

Текширув давомида Т.Теми-ровнинг яширин цехи жойлаш-ган ҳовли ҳамда унинг ертўла-сидан хар бирининг вазни 30 кг.дан бўлган 30 қопда номи ёзилмаган кир ювиш қукуни, со-тиш учун тайёрлаб қўйилган "Мей Фу", "Беркут" ҳамда "Зелёный чай" номли полиэтилен пакетлардаги кир ювиш қукуни, ишлаб чиқариш учун мўлжаллан-ган хомашёлар, қадоклаш уску-наси ҳамда икки дона электрон тарозилар, жами эса 2 млн. сўмдан ошиқроқ нархдаги товар-моддий бойлиқлар топилди.

"Ихтирочи"нинг жиноий қил-мишини қўриб чиққан суд, унга хар ойлик иш ҳақининг 20 фоиз-ини давлат ҳисобига ушлаб қол-ган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Афсусланарли жиҳати, агар у тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, қонунга қўра иш бошла-ганида, қўнгилсизликлар юз бер-маган, шу билан бирга, ўзининг ҳам юзи ёруғ бўлиб, ҳалол меҳ-нат иораксидан даромад топаёт-ган бўларди.

Ижобий ҳал этилмоқда

Эркин ТўРАЕВ,
Сариосиё туман прокурори

Мамлакат равнақи, иқтисодий ўсишни таъмин-лаш, янги иш ўринлари яратиш, бандлик ма-саласини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даража-сини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқийс. Шу боис мазкур соҳани жадал ривожлан-тириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукумати-миз томонидан алоҳида эътибор қаратишмоқда. Албатта, бундай юксалишлар замирида ижтимоий ҳаётнинг барча бўғинларини тартибга соладиган қонунлар яратилганли-ги турбди. Эндилкида хар қандай масаланинг фақатгина қонуний асосларда ҳал қилиниши таъминланиб, бу жара-ёнда прокуратура органларининг хизмати беқийс.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси прокуратура-си органлари томонидан ҳам тадбиркорлик субъектла-рининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сариосий туман прокуратураси томонидан ҳам бу бора-да муайян ишлар қилинди. Жумладан, ўтган йили 2384 та тадбиркорлик субъектлари қатнашган 22 та учрашув натижаси бўйича 5 та тадбиркорлик субъектига тижорат банклардан 57,6 млн. сўмлик кредит, 2 та фермер ҳўжа-лигига 11 гектар, 1 та тадбиркорлик субъектига эса бог-дорчиликни ривожлантириш учун 0,18 гектар ер майд-они ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ишонч телефонида бўлган мурожаатларнинг ҳам тезликда ҳал қилиниши чоралари кўрилмоқда. Жум-ладан, "Сирожиҳдин Меҳроҳиддин" хусусий корхонага қарашли спорт мажмуасини реконструкция қилиш учун "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Шарғун филиалидан кредит олишни сўраган Ж.Жафаровнинг мурожаати туман проку-ратураси томонидан ўрганилиб, унга 25 млн. сўмлик узоқ муддатли кредит маблағи олиб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, цех қуриш учун ДТ "Халқ банки" фи-лиалидан кредит олишда ёрдам беришни сўраган "Маъ-руфжон асали" фермер ҳўжалиги раҳбари З.Ҳўжаева-нинг мурожаатини ўрганиш давомида туман прокурату-расининг аралашуви билан фермер ҳўжалигининг ҳисоб рақамига 50 млн. сўм кредит маблағи ўтказиб берилиди.

Жорий йилнинг ўтган даврида ўтказилган 8 та учра-шувада 348 тадбиркорлик субъекти қатнашиб, натижаси бўйича 12 та яқна тартибдаги тадбиркорларнинг руҳса-тома бериш ёки бошқа ҳужжатларини расмийлаштириш масаласи ҳал қилиниб, 5 нафар тадбиркорлик субъект-ларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиди.

Бир сўз билан айтганда эса, иқтисодиётимизнинг бар-қарорлиги, жамиятимиз равнақининг муҳим таъни қўлган тадбиркорлар манфаати бундан кейин ҳам қонун ҳимоя-си бўлиб қолади.

Билимли, ҳунарли фарзандлар бaxтлидир

Жамоатчи муҳбиримиз Бухоро вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси Муҳиддин Воҳидов билан мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги bosқичига қамраб олиш, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласида қонун устуворлигига эришиш борасида вилоят прокуратурасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида сўхбатлашди.

— Муҳиддин Мўминович! Бугунги кунда вилоятда "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда "Мустақам оила йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида вояга етмаганлар ўртасида қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Бу энг долзарб масала. Фарзандларимиз — миллатимиз келажаги. Шундай экан, бугунги ўсиб-улғайиб бораётган ёш авлод тарбияси, билим олиши, юксак салоҳиятга эга бўлиши биз, катталарнинг уларга қай даражада эътиборимизга боғлиқ. Ниҳолки қанчалик эҳтиёткорлик билан, меҳр билан парвариш қилсак, ўз вақтида бегона ўт-ўланлару ногоҳ эсган қаттиқ шамол, табиий офатлардан асрай олсак, у шунчалик бақувват, дуркун ва тўғри ўсади. Фарзандларимизни ҳам ёш ниҳолга қийслаш мумкин. Уларни мактаб, коллеж даврида пухта билим олишга, қўл билан дўст тутинишга, мурғак қалбда турли касб-ҳунарларга қизиқиш уйғотсак, қўзлаган мақсадимизга эриша оламиз. Шундагина улар эл-юрт қорига ярайдиган аҳойиб касб-ҳунар эгаси, ҳавас қиларли билимдон инсонлар бўлиб етишадди. Шундагина, турли ёт фояларга, оқимларга берилишига уларда қизиқиш ҳам, вақт ҳам бўлмайди. Бирор қора нијятли қимса уларнинг руҳийга таъсир ҳам ўтказма олмайдди. Билим ва йўриқлар фарзандларимизга ҳар қадамда қалқон бўлади.

Бу борада вилоят прокуратураси томонидан қатор тадбирлар амалга ошириляпти. Бугунги энг муҳим масалалардан бири мактаб битирув-

чиларини, айниқса, қизларни ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими билан тўла қамраб олиш, касб-ҳунар коллежларини битирганларни эса иш билан таъминлашга эришишдир. Мактабларда ўқув йили тугагач, вилоят умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларининг йўғма жилдлари ўқитувчи, ота-она ҳамда ўқувчилар иштирокида академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига топшириляпти. Мазкур жараёнда туғилган муаммо ва тушунмовчиликлар халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари раҳбарияти ва мувофиқлаштирувчи штаб аъзолари томонидан жойида ҳал қилинмоқда.

— Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун ҳам ҳаяжонли дамлар бошланди. Улар энди янада юксакроқ манзил сари интилишлари қувонarli хол, шундай эмасми?

— Албатта, уларни янги-янги синовлар, нурли истиқбол кутмоқда. Фарзандларимизнинг мақсад сари дадил интилишлари бизни жуда қувонтиради. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан олиб борилган анкета сўровномаларига асосан академик лицей битирувчиларининг 1492 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга ҳужжат топшириш, 111 нафари ўз мутахассисликлари бўйича ишга кириш истагини билдирган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 4651 нафари олий таълим муассасаларига ўқишга киришни, 20933 нафари эса ишга жойлашгани мақсад қилган. Янши нијат ҳамиша инсонга йўлдош бўлади. Биз эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туришимиз, керак бўлса, ёрдам қўлини чўзишимиз даркор.

Мамлакатимиз Президентини халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг сессиясида умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қамраб олиш борасида жуда оқилона фикрни қўйиб айтди. "Бу ҳақда гапирганда, айрим ота-оналар ўртасида ўз фарзандларини, айниқса, қиз болаларга нисбатан мактабни битиргандан кейин ўқиши шарт эмас, турмуш қуришни ўйлаши керак, деган эскича қарашлар ҳалибери учраб туришини афсус билан айтишга тўғри келади. Ваҳоланки, коллежда ўқиб, аниқ касб-ҳунар эгаси бўлиш, биринчи навбатда қиз бола учун зарур. Қўлида ҳунари бор қиз бола эртага бирова қарам бўлиб қолмайди, ўз меҳнати, билим ва истеъдоди билан оиласини тебратилса, фарзандларини баркамол инсон этиб тарбиялашга ҳисса қўшади. Бу ўз навбатида ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан мустаҳкамлашда қандай муҳим аҳамиятга эга эканини кингидир исботлаб беришнинг ҳоҷати йўқ", дея алоҳида таъкидлаб давлатимиз раҳбари. Энг муҳими, биз, ота-оналар фарзандларимизнинг билим олиши, замонавий касб-ҳунар эгаллаши учун ҳамма шароитни яратиб беришимиз керак. Бу барчамизнинг бурчимиз ҳисобланади.

— Битирувчи ёшларга диплом топшириш қанчалар қувонч бахш этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Бугна нима дейсиз?

— Албатта, инсон ўз меҳнати самарасидан янада руҳлани, янада юксак манзиллар сари интилади. Битирувчи ўғил-қизлар тезроқ ишга жойлашишга ёки ҳужжатларини ўқишга, олий таълим муассасасига топширишга интилади. Бухоро шаҳридаги 5 та академик лицей ва 16 та касб-

ҳунар коллежларига вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан дипломлар тўлиқ тарқатилган. Демак, ёшларимиз келахак сари навбатдаги дадил қадамларини қўя бошлашди.

— Ёшларнинг билим олиши, тарбиясига масъул педагоглар фаолиятида ўзи бўларчилик, сусткашлик ҳолатлари ҳам учраётими? Фикрингизни далиллар асосида тушунтирсангиз.

— Афсуски, бу каби салбий ҳолатлар ҳам учраб турибди. Пешку иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ғурух раҳбари М.Қодировга зиммасига юклатилган вазибаларни бажармасдан, лоқайдликка йўл қўйгани қимматга тушди. У ўзи раҳбарлик қилаётган ғуруҳда таҳсил олаётган "Тулистон" МФЙ "Жоғареболло" қишлоғида яшовчи, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган Баҳодир Файзуллаевни коллежда алоҳида рўйхатга олмаганлиги, уни ижтимоий, маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқмаганлиги, унинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида касб ва ҳунар тўғралакларига жалб этмаганлиги аниқланган. Хизмат интизомини бузган М.Қодиров, М.Солиев, М.Кенжаевларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қўриб чиқиш учун коллеж директориға юборилган.

— Юқорида сиз келтирган иқтисобда Президентимиз муҳим бир вазиғаға эътиборимизни жалб этди. Халқимизда азал-азалдан "Оила — муқаддас кўрган", дея эътироф этилган. Бугунги кунда ҳам оилаларнинг муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш, айниқса, ёшларни бу қошоғаға тўғри йўналтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вояга етмаган ёшларнинг

оила қуриш ҳолатларининг ҳам учраётганлиги кишини ўйга толдиради.

— Биз бундай ҳатоллик ва камчиликларни бартараф этиш, уларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ қайғуришимиз лозим деб ўйлайман. Бу масала ҳам кун тартибига қўйилиб, назорат қилиб борилмоқда. Чунончи, "Туркистон" МФЙ, Хайроқ қишлоғида яшовчи, 1995 йилда туғилган вояга етмаган М.Ж. тумандаги фуқаро Н.Х. билан шаръий никоҳ асосида яшаб, фарзандли бўлган. Бунинг сабаблари ҳақидаги гапирадиган бўлсак, Пешку туман Хотин-қизлар қўмитаси томонидан вояга етмаган қизларнинг турмушга берилишининг олдини олиш, ҳар бир хотин-қиз билан қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини диний, маърифий ва ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар ўртасида ҳамкорликнинг йўлга қўйилмагани, ҳудудларда қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ишларига етарли эътибор қаратилмагани аён бўлди. Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирларнинг ижроси сустлашиб кетган. Ушбу ҳолат юзасидан Н.Х.га нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган ва иш суд муҳокамасига юборилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Мақсадимиз бу каби ҳатолликлар такрорланмаслигига эришишдир. Бунинг энг самарали йўлларида бири ёшлар ўртасида тарғибот ишларини замон талаблари асосида янги шаклларда қучайтиришда деб биламан.

Лолаҳон МАНСУРОВА
сўхбатлашди

Тадбиркорликни тўғри йўлга қўййлик

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти асослари шаклланиб бorgan сари, демократик принциплар ҳам ривожланиб бормоқда. Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари тобора мустаҳкамлашди. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, соҳани ривожлантириш бўйича қатор Фармон ва қарорлар қабул қилиниди, тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳажон стандартларига мос ҳуқуқий асослари яратилди.

Халқимизнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик хусусиятларига эга бўлган вақиллари бундай имтиёз ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, соҳага шубҳа билан қараган кишиларга тадбиркорликнинг даромад келтирувчи тармоқ эканлигини амалда исботладилар.

Бугун тадбиркорлар нафақат иқтисодий ислохотлар жараёнида, балки мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Шу ўринда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш масалаларига қаратилган "Бу вазифани ҳал қилишда" Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуниға тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир. Бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик

назорати олиб бориш тизимидаги вазибаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим", деган сўзларини келтириб ўтишимиз жоиз.

Аммо гуруч курмасиз бўлмаганидек, айрим нопок шахслар томонидан тадбиркорликдан ўзининг ғаразли нијатлари йўлида фойдаланишга уринаётган ҳолатлар ҳам учрамоқда.

Мисол учун, Жиззах вилояти Пахтакор туманида фаолият юритаётган "Saison Gross" МЧЖ мансабдор шахслари Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига зид равишда 152,5 га. ер майдониға аслида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирмаган бўлса-да, етиштирилганлиги ҳақида сохта ҳужжатлар тайёрлаб, хорижий давлатларға экспорт қилишдан тушган валюта маблағларидан 4 млн. 191 минг 376 АҚШ долларини бюджетға мажбурий сотишни қасддан яшириб, жами 379 млн. 607 минг сўмлик жуда кўп миқдордаги солиқларни тўлашдан бўйин товлашган.

Суд томонидан бу шахсларға нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Албатта, бу каби ҳолатларнинг келиб чиқиши тадбиркорликни никоҳ қилиб олган айрим шахсларнинг берилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланмаслиги ёки ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмасдан, қонунларнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етмаганлиги оқибатида юз бермоқда.

Бу борада Департамент органлари томонидан тадбиркор қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури билан яширинча шугўлланган бўлса, ушбу фаолиятға чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларини қўриш билан бир қаторда уларнинг қонуний фаолият юритиш ҳар тарафлама фойдали эканлиги ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Алишер ТҲҲИЕВ,
СВОЖДЛҚ Департаментининг
Пахтакор туман бўлими бошлиғи

Истиқлолнинг 21 йиллиги олдидан

/Давом.

Бошланиши 1-Бета/

— Шу ўринда Қорақалпоғистонда халқимиз фаровон турмуш кечириши учун зарур бўлган қўллаб масалаларни қамраб олган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурининг ижроси қандай бўлди? Режалаштирган ишлар амалга оширилдими?

— Мен, аввало, Ўртабосиёнинг қуйдаги сўзларини ёдга олишни жоиз деб ҳисоблайман. "Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодий тизимидан ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини боса олмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва мамлакатимиз ривожига алоҳида ўрин эгаллайди". Шундан келиб чиқиб айта оламки, юртимизда соҳа вакилларининг ҳуқуқ ва эркинлиги, манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос ҳуқуқий базаси яратилган. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарор ва бошқа қўллаб қўнгун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Утган 2011 йилнинг мамлакатимизда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб номланиши ва махсус давлат дастурининг қабул қилиниши халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Қорақалпоғистонда давлат дастурининг ижроси бўйича молиялаштиришнинг жами манбалари ҳисобидан 187 993,4 млн. сўм сарфланди. 2 минг 326 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Худуд ялпи ички маҳсуло-

тида тадбиркорлик субъектларининг улуши 66 фоизга етди. Прокуратура органлари эса уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоялаш чораларини қўриб бордилар. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид 638 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилиб, 62 та ноконуний ҳужжат протест келтириш йўли билан қонунга мувофиқлаштирилди.

Назорат тадбирларида ушбу идоралар томонидан йўл қўйилган қонунбузарликлар оқибатида 162 нафар тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тикланди. Масалан, Кейгели туман прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига қаратилган қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини қўйиштириш мақсадида туман ҳокимлиги қабул қилган қатор қарорларнинг қонунийлиги ўрганилганда, маълум бўлишича, Кейгели туман ҳокими томонидан 46 Б-сонли фармойиш имзолалиб, унинг биринчи бандида туман ҳудудига фаолият кўрсатуви савдо дўконлари ва ошхоналарнинг аҳолига хизмат кўрсатиш вақти кеч соат 20:00 гача белгиланган. 2-бандида туман ИИБ бошлиғи, ҳар бир ҳудудга бириктирилган профил-актика инспекторлари, ИФЙ, ОФЙ, ПФЙ посбонлари ушбу тадбиркорлик субъектларининг ишларини фармойишда кўрсатилган вақтда тўхтатиш топширилган.

Туман ҳокимининг ушбу фармойиши амалдаги қонун ҳужжатларига зидлиги сабабли туман прокурорининг протестига асосан бекор қилинди. Яна бир мисол, банк бошқарувчиси Д.Жалғасбоева яқка тадбиркор Т.Исбаевани алдаб, 100 млн. сўм кредит олиб беришга ваъда қилиб, аввалга 6 млн. сўм пулини олганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, унга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Прокуратура органлари ташаббуси билан ўтган йилларда қишлоқ йойларда 83 та тадбиркорлик субъектлари таш-

кил этилиб, янги иш ўринлари яратилган. Республика, туман-шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан жами 30 минг 878 нафар тадбиркорлар билан 425 та учрашувлар ўтказилган. Уларда 24 нафар тадбиркорга 814 млн. сўмдан ортиқ кредит олишда, 2 нафар тадбиркорга 1,33 га. ер майдони ажратилишида, 133 нафар тадбиркорга рухсатнома олишда амалий ёрдам кўрсатилиб, ҳуқуқий маслаҳатлар берилган. Прокуратура органларида тадбиркорлар учун "007" рақамли ишонч телефонлари ишлаб турибди.

— Охириг йиллар статистикасидан маълум бўлишича, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш кўрсаткичи йилга 8 фоиздан кам бўлаётгани йўқ. Бу эса, жаҳон молиявий инқирози давом этаётган бир даврда халқимизнинг меҳнатсеварлиги, Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган сиёсатнинг самарасини яққол кўрсатиб турибди. Шунга боғлиқ равишда давлат бюджетидан ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағлар миқдори ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Бунга таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини мисол қилиб келтириш мумкин. Республикада мазкур маблағлардан фойдаланиш аҳоли қандай?

— Ўзбекистоннинг 21 йиллик тараққиёти давомида эришган энг катта ютуқларидан бири ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Ана шундай шароитдагина бошқа соҳалардаги ривожланиш ҳақида гапириш мумкин. Прокуратура органлари эса барча соҳаларда қонунларга аниқ ва бир хил риоя этилиши устидан назорат олиб бориш билан ушбу тараққиётга хизмат қилмоқда.

Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш аҳоли ҳақида гапирганда қонунбузарлик ҳолатлари ҳам учраб турганлигини қайд этиш жоиз. Масалан, "Ўхжайли АТП" МЧЖга қарашли "Арина Айсберг" корхонаси ва "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Қорақалпоғистон филиали мансабдор шахслари жиноий тил бириктириб, 7 та "Otayo1 Midibus" автобуслари сотиб олиш учун 3 йил муддатга 140 млн. сўм кредит

олиб, шундан 9 млн. сўмини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Амударё туманида эса, 6-умумтаълим мактаби мансабдор шахслари томонидан жами 21,5 млн. сўмлик бюджет маблағлари растрата қилиш йўли билан талон-торож қилинганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши таъминланди.

— Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдин олишга прокуратура органлари қандай ҳисса қўшаяпти? Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

— Вояга етмаганларга биз ушалмаган орзуларимизни рўйга чиқаруви баркамол авлод сифатида қарашимиз керак. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари доимо қонун ҳимоясидадир.

Прокуратура органлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда болаларни спортга жалб қилиш, бўш вақтини маъмурий ўтказиш, таълим сифатини ошириш, коллеж ва лицей битирувчиларини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу соҳада ҳамкорликда олиб борилган тадбирлар натижасида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик аввалги йилнинг шу даврига нисбатан камайишига эришилди.

Бола нега жиноятга қўл уради? Бунга аввало, оила, сўнг атрофдаги муҳит сабаб бўлади. Шундан келиб чиқиб, биринчи галда оилалардаги муҳитни яхшилашимиз, катталарнинг маънавиятини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш чораларини кўришимиз лозим. Бунда бизга адабиёт аҳли — шоир ва ёзувчилар яқин кўмакдош бўлишлари мумкин. Чунки адабиётнинг вазифаси инсонни тарбиялаш, прокуратуранинг вазифаси эса қонунийликни таъминлашдир. Пировадига, иккинчидан ҳам мақсади муштарак. Шу боис, Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган жорий йилда Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси ва бошқа маданий-маърифий ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқчимиз. Ҳар бир оилага бадий, ҳуқуқий китоблар, газета-журналлар кириб

боришига эришмоқчимиз. Зеро, маърифатли оилада камол топган ёшлардан кўп нарсани умид қилса бўлади.

— Президентимиз томонидан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган ушбу йилда прокуратура органларининг олдида турган энг муҳим вазифалар нималардан иборат деб ўйлайсиз? Оилаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, мустаҳкамлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Илимизнинг бундай атиллашида улкан маъно бор. Чунки Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз бўлса, оила Ватан ичра кичик Ватан, мустаҳкам кўрғонимиздир. Оила тинч бўлса, ишмишда унум, ривож бўлади. Бу эса, мамлакат гуллаб-яшнашининг асосий омилларидан биридир. Прокуратура органлари ҳам зиммасига юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, сиз сураган масалалар юзасидан муайян ишларни амалга оширмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонда 1 млн. 694 минг 600 нафар аҳоли яшайди. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда асосий эътиборни аҳоли орасида ишчиликни камайтиришга, жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда нотинч оилалардаги муҳитни соғломлаштиришга, оила қуриш арасида турган йигит-қизларнинг масъулиятини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, болаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратаёلمиз. Хусусан, прокуратура органларининг ташаббуси билан 46 та меҳнат ярмақаси ўтказилди. Уларда 49113 нафар фуқаро иш билан таъминланди. Буларнинг 60 фоизи хотин-қизлардир. Туман ҳокимлиги, "Қамолат" ЕИҲ, маҳалла-қўй, оқсқоллар ёрдамида олиб борган тарғибот-ташвиқот ишларимиз натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан оилавий ажралишлар сонига камайишига эришилди. Вояга етмаганлар ўртасида турмуш қуриш ҳоллари деярли учрамади. Вояга етмаган фарзанднинг моддий таъминотидан бўйин товлаб юрган шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, чоралар кўрилмоқда.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ

сўхбатлашди

Элни жам айлаган анжуман

Мустақиллигимизнинг қутлуғ 21 йиллиги арафасида озод халқимиз нақаллар дунёвий, демократик, ҳуқуқий жамият барпо этаётганига ҳамма умумбашарий қадриятларни тобора чуқурроқ ўзлаштираётганига иймон келтирасиз. Шу йилнинг 5-6 май кунлари "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда қадимий ва навқирон Қорақалпоғистонга ўтказган "Асрлар саоси-2012" аниъанавий маданият фестивали фикримизнинг ёрқин даъия бўла олади.

Дарҳақиқат, бугун озод Ўзбекистонни, унинг иқтисодий ва маданият борасидаги бетақдор салоҳиятини бутун олам яхши билади. Мустақил мамлакатимизнинг исбисий, иқтисодий, ижтимоий нуфузига эмас, фан, таълим, тиббиёт, адабиёт, театр, кино, тасвирий санъат, спорт борасидаги мавқеи ҳам янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу борада "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Келажак овози", "Янги авлод", "Навқирон Ўзбекистон", "Олтин қоплон", "Базар арт", "Чимган садолари" ва бошқа қатор ажойиб лойиҳалари қатори "Асрлар саоси" аниъанавий маданият фестивали ҳам тобора оммалашиб,

кенг эътибор қозониб бормоқда.

Ҳаммамизга маълумки, бундан аввалги 4 та фестивал Қашқадарё, Тошкент, Хоразм ва Бухоро вилоятларида ўтказилган эди. Уларда юз минг нафарга яқин ватандошларимиз ҳамда хорижий меҳмонлар қадимий илдизларга эга санъатимиз, фольклоримиз дурдоналаридан баҳраманд бўлган, халқ сайиллари ва томошаларни кўрган, дизайн ва мода, пазандалик, халқ амалий мўъжизаларига баҳо берган, белгиланган йўналишлар қўлибларига "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилган эди. Бу йил 50 минг нафардан ортиқ тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, мусиқа, кўшиқ, рақс,

Я.ҚҲҚОРОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси
Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари

мода, халқ ўйинлари, турли кўргазмалар муҳлислари Нукусдаги И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейига ва Эллиққалъадаги бетақдор тарих ёдгорлиги Тўпроққалъага тўпландилар. Фестиваль ҳар қачонгидек юксак савияда ўтди. Икки кун мобайлида аниъанга кўра, фольклор, миллий либослар танлови, улоқ-қўпқари, миллий кураш, ҳўроз ва қўй жанглари, дорбозлар чиқиши, ошпазлар, халқ усталари беллашуви қизгин тус олди. Чинакам халқ байрамига айланган фестивалга Австрия, АКШ, БАА, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Испания, Италия, Россия Федерацияси, ХХР, Франция, Швейцария, Япония ва бошқа мамлакатлардан меҳмонлар ташириб буюришди. Фестиваль мамлакатнинг қадди расо эканини яна бир

бор исботлади. Энг аввало, фестиваль иштирокчиларининг, ҳоҳ улар хорижий меҳмонлар, ҳоҳ ўзимизнинг ватандошларимиз бўлишсин, юзларидаги нур, чинакам қизқиш, ўзига хос қоникчилик алоҳида таъкидлаган бўлар эдик. Бундай кўтаринки қайфиятни эса тинч, осойишта, ҳамжихат жамиятдагина қўриш мумкин. "Асрлар саоси" фестивали ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик, фаровонлик, миллатларо ва давлатларо тотувлиқнинг метин масканига айланганини тасдиқлади. Энг муҳими, қўшиқ ё лапар айтган, рақсга тушган, дорда ўз маҳоратини кўрсатган, ҳўнармандчилик борасида мўъжизалар намойиш этган ҳар бир иштирокчининг юзиде бу тинч ҳаётдан мамнунийлик балқиб турарди.



Истиклол — чексиз имконият



Хар ким ўз фикри, дунё-қарашидан келиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Ушбу неъматдан баҳраманд бўлган оддий деҳқон сифатида мустақиллиқни чексиз имконият деб таърифлаган

бўлардим. Айтинг, Ўзбекистонда билим оламан деганга мактаб, лицей, коллеж, университетларда ўқиш учун барча шароит яратиб қўйилмаганми? Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Меҳнат қиламан, шу орқали Ватан равнақига ҳисса қўшаман деганларни ҳам давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Масалан, 2000 йили "Тайм-бет" фермер хўжалигини ташкил этган бўлсак, фаолиятимизни йўлга қўйиш, ривожлантириш учун давлатимиз яратиб берган имкониятлардан фойдаланиб, бугунги даражага етиб келдик. Ҳар йили давлатга

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш режасини ортиги билан бажариб, жамиятга ҳам фойдамиз тегапти, ўзимизнинг ҳам иқтисодий базамиз мустаҳкамланиб борапти. Бунинг шуқрониси сифатида юртдошларимизнинг эҳтиёжини қондириб, дуоларини олишни қанда қилганимиз йўқ.

Халқимиз бежиз "Меҳнатнинг таги роҳат" деб айтмас экан. Меҳнатимиз кадрланаётган шундай юрда яшаётганимдан бахтиёрман.

Сарсенбой СЕЙТНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Қарамони, сенатор
Тахтакулир тумани



Болалар тарбияси — миллат келажаги

2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилди. Бу бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат, аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халққа хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг азалий орзу-интилишларини рўёбга чиқарадиган буюк кучни қўради". Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишлар алоҳида таҳсинга сазовордир. Фарзандларимизни жисмонан соғлом, ақлан етук инсон қилиб тарбиялашга доир чора-тадбирларни санаб адоғига етиш мушкул. Бу оқилона сиёсат спорт, маданият, фан-таълим соҳасида Ўзбекистон ёшлари қўлга киритаётган ютуқлар тимсолида аллақачон ўз самарасини берди. Бироқ илҳомий натижалар кишини нечоғлиқ ғурурлантирмасин, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш долзарб масала эканлигини унутмаслик керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 11 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни бу борадаги норматив-ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун ижросини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда кенг жамоатчилик иштирокига ҳам жиддий эҳтиёж сезилади. Аниқроқ айтганда, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, намунали тарбия бериш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Чунки пойдевори нотекис иморат тикланмасдан қулайди, вақтида ишлов ва шакл берилмаган ниҳол ҳеч қимга наф келтирмайди. Қаровсиз қолаётган ёҳуд носоғлом муҳитда тарбия топаётган болакайнинг тақдири ҳам таъбир жоиз бўлса, адоқсиз қўнғилсизликларга сабаб бўлади. Шу ўринда бир савол туғилади. Негатив маҳалла-қўй, таълим муассасалари, кенг жамоатчилик бундай салбий ҳолатларга жимгина томошабин бўлиб туриши керак? Наҳотки, тўғри йўлдан озган бир-икки қимсанни бутун бошли маҳалла ёҳуд меҳнат жамоаси ўз вақтида қайта тарбиялай олаётми?!

Мавжуд маълумотларга қўра, вояга етмасдан жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти отаси ёки онаси йўқ ёҳуд нотинч оилаларнинг фарзандларидир. Шу боисдан ҳам ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида ўқимасдан, ишламасдан юрган вояга етмаган шахслар аниқланган ҳамда

Қудрат САЪДУЛЛАЕВ,
Тахياتоша шаҳар прокурори

улар ўқишга, ишга жойлаштирилган. Ўтган йилнинг 6 ойига нисбатан бу йилнинг шу даврида вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар 12 фоизга камайган. Лекин ўзгалар мулкни ўғирлаш, талончилик, безорилик сингари жиноятлар, жорий йилда ҳам содир этилгани ачинарлидир. Шунингдек, босқинчилик, оғир тан жароҳати етказиш, номусга тегиш, ғиёвандлик билан боғлиқ жиноятлар юз бермаган. Сўнгги йилларда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар умумий жиноятчиликнинг 3,4 фоизини ташкил этмоқда. Хўш, ёшларни жиноят йўлидан қайтариш учун қандай тадбирларни қўллаган маъқул? Бу борада ўтказилган сўровнома натижалари қуйидагича: Тахياتошда унда иштираётганларнинг 24,7 фоизи ота-онанинг ҳуқуқий билимини ошириш зарур, деб ҳисобласа, 21,9 фоизи оилавий ақриқларнинг олдини олиш муҳимлигини таъкидлайди. Шунингдек, оила-мактаб-маҳалла ўртасидаги ҳамкорликни қучайтиришни лозим қўрганлар 22,4 фоиз, болаликнинг биринчи йилдан банд бўлишини афзал билувчилар 50,6 фоизни ташкил этди. Иштирокчиларнинг кўпчилиги, аниқроғи, 52,3 фоизи болаликнинг доимо назоратда бўлиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда энг муҳим омил, деган фикрни қувватлайди. Тан олиш жоиз, бу тадбирларнинг барчаси ҳам фарзанд тарбиясида, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жуда-жуда муҳим.

Шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия таъаббуси билан "Тахياتош ИЭС" да Осие Тараққиёт Банки томонидан ажратилган 1 миллион АҚШ долларлик маблағ ҳисобидан қурилган 3,7 гектарлик иссиқхонага 43 нафар, "Ўзавтойул" АҚга қарашли "Жипек-жоли" АҚга 64 нафар коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди, 26 нафар шаҳар бандликка қўмақлаштиш марказига мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш учун рўйхатга қўйилди.

Бир донишманд "Болаларимиз — бизнинг кексалигимиз. Яхши тарбия бахтли кексалигимиз, ёмон тарбия бўлғуси ғам-аламларимиз, қўз ёшларимиз, бошқалар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айбимиз, демакдир" дея қайд этганди. Демакки, бошқалар олдида, бутун мамлакат олдида айбдор бўлмаслик учун ёш авлодга тўғри тарбия бермоғимиз шартлигини унутмайлик.

Эътибор кучайтирилмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусан, қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун қулай шароит яратиш ҳамда уларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш борасида прокуратура органлари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган. Бу борадаги қонуний ижроси устидан прокурор назоратини қучайтириш тўғрисидаги Республика Бош прокурорининг 2011 йил 9 февраль кунги 87-сонли буйруғи асосида Қораўзақ туман прокуратураси томонидан ҳам бир қатор тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Хусусан, туман прокуратураси томонидан мутасадди ташкилотлар билан биргаликда жойларга чиқилиб, тадбиркорлик субъектлари билан доимий равишда учрашувлар ўтказиб борилиши йўлга қўйилди. Ўтказилган учрашувларда тадбиркорларнинг муаммоларини жойида бартараф этиш, ҳуқуқий ва амалий ёрдам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 мартаба шундай учрашувлар ташкил қилиниб, 63 нафар тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, туман прокуратурасининг "Ишонч телефони" орқали келиб тушган мурожаатлар юзасидан зудлик билан текшириш ишлари ташкиллаштириб, 9 нафар тадбиркорлик субъектларининг муаммолари ҳал қилинди. Масалан, С.Аким-ниязова турар жойини нотуғрар жойга айлантириш ҳақидаги мурожаати туман ҳокимлиги то-

монидан ҳал қилинмаётганлиги тўғрисида "Ишонч телефони" орқали мурожаат қилган. Мурожаат ўрганиб чиқилиб, қонунбузилишларга йўл қўйган мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларига яратилган имкониятлар доирасида туманда жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида 88 нафар тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундан туман прокуратурасининг амалий ёрдами билан 12 нафар тадбиркорлик субъектлари ўз иш фаолиятини бошлади.

Бундан ташқари, йилнинг ўтган даврида 30 та тадбиркорлик субъектларига 658 млн. сўмлик кредит маблағлари расмийлаштирилиб берилиши таъминланди. Масалан, "Агробанк" туман бўлими томонидан "Дауранбек" фермер хўжалигига паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 50 млн. сўм кредит ажратилди. Фермер хўжалиги томонидан ушбу маблағ эвазига 2000 бош парранда олиб келиниб, парвариш қилинмоқда ва аҳолини тухум маҳсулотлари билан таъминлаб бормоқда.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонуний ижроси юзасидан тумандаги назорат қилувчи органлар фаолияти мунтазам равишда ўрганилиб, улар томонидан ноқонуний текширишлар ўтказиш ва қарорлар қабул қилишнинг олдини олиш борасида назорат тадбирлари олиб боришмоқда.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Никоҳ — муқаддас аҳд

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, унутилаёзган урф-одатларимиз қайта тикланди. Шу боис ҳам, ҳозирги кунда юртимизда оилага, никоҳга муҳим масала сифатида қаралмоқда. Оила, никоҳ тўғрисида қонуний ишлаб чиқилган. Никоҳ ва оила мустаҳкамлиги давлат мустақиллигининг негизидир. Бу эса, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

"Мустаҳкам оила йили"да туманимизда ҳам ҳар куни никоҳ, бешик тўйлари бўлиб турибди. Бу эса элимизнинг ўзига тўққигидан, тўқтинч-сочинликдан, тинч-осойишталигидан дарак-

дир. Бўлимимизда биз шу кунгача 1045 та никоҳни қайд қилдик. 1637 нафар чақалоққа туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берибдик.

Бўлимимиз ходимлари бўлажак келин-куёвларга ўз амалий ёрдамларини кўрсатмоқдалар. Оила, ота-она, фарзандлар бурчи тўғрисида маслаҳатлар бераёلمиз. Никоҳ тўғрисидаги қонуний билан таништираямиз.

Иш давомида баъзи бир келин-куёвларнинг қонунийларни яхши билишлик ҳолатларига ҳам дуч келамиз. Ўз вақтида тиббий кўрикдан, қонуний никоҳдан ўтмай туриб, тўй

қилиш ҳолатлари учраб турибди. Гарчи, шаръий никоҳ ўқилган бўлса ҳам, у давлат қонуни нуктаи назаридан ҳеч қандай ҳуқуқий кучга эга эмас. Айтмоқчимизки, ФХДБ бўлими томонидан қайд қилинган никоҳгина ҳақиқий, қонуний ҳисобланади.

Хаёт мураккаб. У бир маромда давом этавермайди. Демократизм, орамизда онда-сонда бўлса ҳам никоҳни бекор қилиш ҳоллари учраб турибди. Аччиқ бўлса ҳам бу ҳақиқатни тан олмағимиз даркор.

Туманимиз бўйича ушбу йил 6 ойида 32 та никоҳни бекор қилишга мажбур бўлдик. Нима ҳам дердик, битта никоҳ бекор қилинган бўлса ҳам бу жамиятимиз учун кўп.

Келинликнинг оқ либосини кийиш, қув ёлиш, фарзанд кўриш ҳар бир йигит-қизга насиб қиладиган олий саодатдир. Биз эса уларга намунали хизмат кўрсатишдан асло чарчамаймиз. Ёш оила қанчалик мустаҳкам бўлса, унинг бахти бутун бўлади.

Гулсал БОТИРОВА,
Беруний туман ФХДБ бўлими мудираси



Мардлик, фидойилик ва жасорат

Бугун мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби ахборот соҳасида ҳам изчил, тизимли ва самарали ислохотлар жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Энг аввало, шунинг алоҳида эътирофи эътиборга, бу борада бугунги кунга келиб халқаро ҳуқуқнинг умумэътирофи этилган таъминларига тўла жавоб бера оладиган мустақкам миллий қонунчилик базаси яратилди.

Оммавий ахборот воситалари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган ўндан ортиқ мукамал қонунларга таянган ҳолда, демократик талабларга ҳамроҳ миллий ахборот макони шакллантирилди ва у тобора ривожланиб бормоқда. Ахборотни излаш, олиш, қайта ишлаш ва тарқатишга оид эркинлик ва ҳуқуқларни амалга ошириш каби таркибий қисмларни қамраб олувчи фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш вазифаси эндиликда Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг асосини ташкил этаётгани ҳам бежиз эмас. Шу боис мамлакатимизда ахборот соҳасини ислох қилишга тадрижий равишда, тизимли ва комплекс ёндашилмоқда.

Шу маънода, муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь кuni Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да тақлиф этилган чора-тадбирлар ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгиллаш, соҳага бозор механизмининг жорий этишнинг жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустақамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни яратишда юқсак ижтимоий аҳамиятга эгадир.

Концепциянинг ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишида илгари сурилган гоёлар ва белгилар берилган навбатдаги ислохотлар оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги ўрни ва ролини мустақамлаш, уларнинг том маънодаги эркинлиги ва мустақиллигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Хусусан, соҳанинг ҳуқуқий базасини янада мустақамлашга қаратилган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшитиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунларни қабул қилиш, соҳага оид амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали уларни бугунги ва эртанги кун талаблари даражасида таъминлаштириш долзарб масалалардир.

Келгусида мазкур қонунларнинг ҳаётга жорий этилиши ахборот соҳасидаги кенг қўламлиқ, жамоат муносабатлари

га даллдор, яъни фаолиятда бозор механизмларини ривожлантириш, ахборот олишнинг эркинлиги ва бир хиллигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги принципларини амалга ошириш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган янада самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш беради. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар глобал миқёсга эгалиги ҳамда ахборот соҳасини ривожлантиришга оид шариоатларни тубдан янгиллашга йўналтирилгани, соҳадаги ислохотларни изчил давом эттириш, жамият муносабатларининг кенг қатламлари тартибга солиш характеридега экани билан ҳам диққатга сазовор. Юқорида санаб ўтилган қонунлар лойиҳаларида давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаолаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар, хусусан, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муурожаатларини қўриб чиқиш мудолатларини қисқартириш, ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этишга қаратилган ҳуқуқий асослар шакллантирилмоқда.

Шунингдек, миллий телерадиоэшитиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаштириш механизмлари, телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзга келадиган муносабатларни тизимли ва кенг қўламли равишда тартибга соладиган ахборот қонунчи кучга киритиш, рақамли телерадиоэшитириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ижросини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустақамлаш, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда давлат томонидан ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солиш, матбуот воситаларига танлов асосида давлат грантлари, субсидиялари, дотациялари ажратиш, солиқ, божхона, таъқиқ фаолият бўйича имтиёзлар ва преференцияларни бериш ахборот бозори шартликлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим шартидир. Айни вақтда жамоатчилик экспертизасидан ўтказилаётган Концепцияда баён этилган тўртта қонун лойиҳасида ана шу каби устуворликлар назарда тутилган.

Ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситаларининг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик аниқланишлар

фаолият мезони бўлсин

ва сиёсий модернизация жараёнидаги аҳамияти, таъсири, масъулияти кун сайин ортиб бормоқда. Зеро, демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликда журналистлар учун белгиланган ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, оммавий ахборот воситаси ходимининг касб одоб ва этикаси, жамоатчиликка тезкор, ҳолис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналист иختисослашуви тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада соҳа ходимлари ўз маҳорати, билими, салоҳияти ва истеъдоди ҳисобидан замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни оммага етказишнинг усул-усуллари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши зарур.

Зеро, ҳозирги ахборот глобаллашуви жараёни журналистларимиздан касбий маҳорат, огоҳлик, юртимизнинг ахборот хуружларидан муҳофазаланишини таъминлаш, миллийлик, Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлиллар асосида халққа, дунё ҳамжамиятига етказиш, мустақиллик йилларида демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича амалга оширилган улкан муваффақиятларни ҳолис ёритиб бериш талаб этилади. Яна шуниси муҳимки, ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бугунги шариоатда, айниқса, глобал Интернет тармоғи турли давлатлар ва минтақалар ўртасидаги чегараларни очиб бераётган бир пайтда, айрим фарзали кучлар бу имкониятлардан ўз мақсадлари йўлида мафкуравий курул сифатида фойдаланаётганини ҳам ҳисобга олиш зарур. Шу боис, ахборот оламидаги устунлик кўп нарсани ҳал этадиган ҳозирги вазиятда мустақил онг ва мустақил фикрга эга бўлган шахсини тарбиялаш масаласи нафақат маънавий, керак бўлса, муҳим сиёсий аҳамиятга молик масалалар. Демак, ёш авлоднинг қалби ва онгида мафкуравий бўлишга йўл қўймаслик, уларнинг дунёда рўй бераётган сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятини ва асл сабабларини чуқур аниқлаш, тўри идрок эта олиши, ўз атрафида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга, энг муҳими, ўз қатъий дунёқарашига эга бўлишига эришиш даркор. Шунингдек, ёшларимизни турли кўринишлардаги маънавий таҳдидлардан, ахборот хуружларидан асраш, уларни мустақил фикрлайдиган, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда оммавий ахборот воситаларининг масъулиятини

ошириш устувор вазифа эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ўз ўрнида, миллий журналистика мактабини янада ривожлантириш ҳамда миллий матбуотимизнинг сифат ва самарадорлигини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқишга салмоқли улуш қўшади.

Муҳтарам Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрикларида ҳам: "Айни вақтда барчамизга яхши аёнки, бугунги кунда тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар оммавий ахборот воситалари олдида ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда", дея бежиз таъкидланмади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасига кўрсатилаётган юқсак эътибор, бу борада олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустақамланиши уларни янада либераллаштириш, эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, том маънода "тўртинчи ҳокимият"га айлана олишлари учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бу эътибор ва рағбатга жавобан, матбуот ҳам давлатимиз мустақиллигини мустақамлаш, миллий гоёни кенг тарғиб этиш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюқ

Шухрат ДЕХҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати

мақсадларни ҳар қайси инсоннинг онгида, маънавий оламида кенг қарор топтириш йўлида муносиб ҳисса қўшмоғи лозим. Шу билан бирга, ҳозирги "ахборот асри"да мамлакатимизни энг илғор демократик давлатлар сифатида олиб чиқишдек стратегик мақсадни амалга ошириш, бу йўлда, табиийки, ахборот эркинлиги ва очиқлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ролини янада кучайтириш, матбуотни одамларнинг ўз фикр ва гоёларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантириш долзарб вазифалардан биридир.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "...бундай юқсак даражага кўтарилиш учун бу касбни танлаган ҳар қайси инсонга мардлик, фидойилик ва жасорат керак".

Ана шу шарафли ва айни вақтда заҳматли фаолиятда барча журналистлар, нашриёт ва матбаа ходимлари, ижод аҳлига юқсак ижодий ютуқлар тилаймиз.

Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ихараси учун тўлов миқдорини белгилашда қўнўбзуллик, бюрократик тўқсинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши қурашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки «007» қисқа рақамига қўнғирок қилишимиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадар вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 271-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хоразм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимоси ва муурожаатларини қўнғирок навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Имконият ва истақ уйғунлиги

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат аҳолисининг фаровонлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам юртимизда қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Бу борада айниқса, аҳолининг кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, мазкур қатламга модалий маала бериш, оила ларомадалларини ошириш мақсадида бепул қорамол бериш, шахсий ва деҳқон ҳўжалиқларини юртиш учун имтиёзли асосларда кредит маблағлари ажратиш ва бошқа шу каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Бу эса ўз навбатида, нафақат аҳоли ва юрт фаровонлигини, балки иш билан бандлик даражасини оширишга ҳам кўмаклашади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 23 мартдаги Қарори, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги ва 2006 йил 24 апрелдаги "2006-2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бунинг амалий-ҳуқуқий тасдиғидир.

Юртобшамизнинг бевосита раҳнамолиги остида бу борадаги тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётганлиги, аҳолига давлат томонидан тизимли ёрдам кўрсатиб келинаётгани натижасида қишлоқ аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш ва оилалар даражасини ошириш билан бир қаторда, ички истеъмол бозорини чорвачилик маҳсулотлари билан янада тўлдириш имконини берди. Бунда албатта, тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар берилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 2 майда рўйхатга олинган "Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига кўра, кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар бериш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

Низомда шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида чорвачиликни ривожлантириш учун бериладиган микрокре-

дитлар миқдори энг кам иш ҳақининг 80 барабаригачани ташкил этиб, 3 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини ўзайтириш ҳуқуқисиз берилиши қайд этилган.

Кам таъминланган оилаларга микрокредитлар ажратишда маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсияномалари асос бўлиб хизмат қилади.

Қарз олувчининг хоҳишига кўра, микрокредитлар пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

Низомда берилган таърифга кўра, шахсий ёрдамчи ҳўжалик — шаҳарча, қишлоқ, овулларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилиш ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун берилган ўқасталарнинг бир қисми — томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шугулланадиган оилавий ҳўжалиқдир.

Деҳқон ҳўжалиги — оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эғалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер ўқастасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотини етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсини ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар ҳўжалиғидир.

Ҳўш, бундай фаолият билан шугулланиш учун нима қилмоқ керак, деган ҳақли савол туғилади. Бунинг учун шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритувчи жисмоний шахс ва деҳқон ҳўжалиги бошлиғи чорвачиликни ривожлантириш мақсадида микрокредит олиш учун ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига микрокредит беришни сўраб, ариза билан мурожаат этишлари лозим.

Бунда банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредит беришни сўраб ариза;
- маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилишига тавсияномаси;
- микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги ҳужжат.

Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинининг Кенгашлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун кредит берилиши тўғрисидаги тавсияномада шахсий ёрдам-

чи ҳўжалик ёки деҳқон ҳўжалигида қорамол боқиш учун шариот мавжудлиги, ушбу оила кам таъминланган оила эканлиги, унинг таркибида доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари мавжудлиги алоҳида таъкидланиши лозим.

Банкдан олинган кредитнинг қайтарилишини кафолати сифатида микрокредит олувчи мол-мулк гарови, банк ёки сугурта компанияси кафолати, учинчи шахс кафилиги, қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилмаслик хатарининг банк-бенефициар фойдасига сугурта қилинганлиги тўғрисидаги сугурта полиси каби таъминот турларидан бирини тақдим этиши лозим.

Сотиб олинган қорамол ҳам кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаровга олинishi мумкин. Бундай ҳолларда, ушбу қорамол касалланиб, ўлиб қолиши, ўғирланиши, табиий офатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларидан банк фойдасига сугурта қилинади.

Микрокредит олиш учун барча зарур ҳужжатлар илова қилинган ҳолда берилган аризага банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк филиали кредит қўмитаси томонидан ҳулоса бериш муддатти 3 банк кунини ташкил қилади.

Микрокредит бериш асосланганлиги ҳолда рад этилган тақдирда, банк аризачига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилади.

Қарз, албатта, тўлови билан чиroyилиди. Шундай экан, шахсий ёрдамчи ҳўжалик юритувчи жисмоний шахс томонидан микрокредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар банк кассасига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат ҳисоб варағидан пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

Деҳқон ҳўжалиги эса, микрокредитнинг нақд пулда олинган қисми ва унга ҳисобланган фоизлар тўловини банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширади.

Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисминини қарз олувчидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқи эга.

Микрокредит бўйича қарздорлиқни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади.

Мазкур тадбирнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида қорамол боқиш қилиш банд бўлган шахслар ўзлари етиштирган чорвачилик маҳсулотларидан қандай фойдаланишидан қатъи назар, иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилади ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, пенсия билан таъминланиш ҳуқуқи эга бўладилар. Яъни, бу фаолият билан шугулланган шахс учун меҳнат стаж сифатида эътироф этилади. Лекин, кредит олиб, қорамол боқиш би-

лан шугулланишнинг ўзи меҳнат стажининг ўз-ўзидан юртилиши ва бу пенсия тайинлаш учун асос бўлиб ҳисобга олинишини билдирмайди. Бунинг учун шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалигида қорамол ўстириш билан шугулланувчи жисмоний шахс бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг камида тўрт ярим барабар миқдорда сугурта бадалларини тўлаб бориши лозим бўлади.

"Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалигида қорамол боқатган ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотаётган фуқароларнинг бандлиги тўғрисида"ги Низом талабларига мувофиқ, бундай фаолият тури билан банд бўлган фуқароларга меҳнат дафтарчаси очиш учун туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига ариза билан мурожаат этиш лозим. Бунда фуқаронинг паспорти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан шахсий ёрдамчи ёки деҳқон ҳўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома тақдим этилади.

Бундан ташқари, ушбу фаолият билан банд бўлган, бу даврларни пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига ҳисобланишини хоҳловчи шахслар яшаб жойидаги давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига сугурта бадаллари тўловчилар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Меҳнат дафтарчасини юртиш, титул варағидаги ёзувлардан ташқари, шахсий ёрдамчи ёки деҳқон ҳўжалигида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахс давлат солиқ хизмати органларида бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига сугурта бадалларини тўловчи сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган кейин, туман (шаҳар) бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси бўлими томонидан амалга оширилади.

Меҳнат дафтарчасининг 1-бетидаги ёзувлар меҳнат дафтарчасини берган меҳнат органи томонидан амалга оширилади ва Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг думалоқ муҳри билан тасдиқланади.

Юқорида айтилганидек, мазкур меҳнат фаолиятини амалга ошира бориб, бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига бадаллар ўз вақтида белгиланган миқдорларда тўлаб борилиши меҳнат стажининг ҳисоблаб борилиши ва пенсия таъминоти учун замин бўлиб хизмат қилади.

Агар мазкур шахс календарь йилнинг камида 9 ой мобайнида бадалларни тўлаб бўлса, пенсия тайинлаш учун стажга тўлиқ календарь йил ҳисобга олинади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган меҳнат стажининг ҳисоблаб борилиши ва пенсия таъминоти учун замин бўлиб хизмат қилади.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
хуқуқшунос

муддати бўйича ҳисобга олинад ва ушбу шахс давлат ижтимоий сугуртасига мансуб бўлган бошқа ҳар қандай иш бўйича у эга бўлган меҳнат стажини билан ҳамланади.

Фуқаро бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига сугурта бадаллари миқдорини мустақил равишда, ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия таъминотининг хоҳланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт ярим барабаридан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Қуйидагиларга: сугурта бадалларини бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига тўлиқ календарь йил учун олдиндан тўлашга йўл қўйилади. Бу ҳолда ушбу календарь йилида энг кам ойлик иш ҳақининг миқдори ўзгарганда кўшимча тўлов амалга оширилмайди;

бадаллар тўланмаган олдинги даврлар учун бир йилда энг кам ойлик иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда сугурта бадалларини тўлашга йўл қўйилади.

Бадаллар тўланмаган даврлар пенсия тайинлашда меҳнат стажига қўшилмайди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига тўланган бадаллар қайтариб берилмайди.

Бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига бадаллар тўлашнинг шахсий ҳисоби бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси органлари томонидан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган шахслар томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жағфармасига бадаллар тўланганлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органлари маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ушбу бадаллар тўлови тўхтаганда ёки шахснинг яшаб жойи ўзгарганда, бюджетдан ташқари Пенсия жағфармаси бўлими ҳисобга олиш Карточкаси ва Дафтарчасига ҳисобдан қайтариш тўғрисида тегишли ёзувларни киритади.

Шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжалиқларида қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган фуқароларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини, шу жумладан, пенсия таъминотида бўлган ҳуқуқини таъминлаш бу фаолиятни юритувчи шахс, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ўртасида камида бир йил учун уч томонлама шартнома тузиш билан мустаҳкамланади.

Интилаган имконият топади, деганларидек бугун юртимизда бирор-бир ишининг этагидан тутган ёки бунинг учун астойдил ишга киришган одамга барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунинг учун эса, энг аввало истақ ва ҳаракат бўлса бас.

Инсон дунёга нега келади-ю, нима учун уни тарк этиб кетади? Яшашдан мақсад нима? Фақат бир марта берилмаган умрни қандай ўтказиш, уни нималарга сарфлаш керак? Маънавияти бой одамлар кўпроқ ана шу саволларга жавоб излайдилар. Бу изланиш кашфиётларга, ихтироларга, инсон ҳаётини энгиллаштиришга хизмат қилувчи янгиликлар яратишга олиб боради.

Ўзининг тор шахсий манфаатига ўралашиб қолган кишилар эса тамоман бошқача фикрлайдилар. Инсоният тақдирини улар учун бамисоли сариқ чақа, қиладиган "кашфиётлар" эса жамият учун қони зарар. Бундай одамлар худбин ва жоҳил бўлиб қолаётганликларини сезмайдилар. Натижада уларнинг қилмишидан оила, фарзандлар, атрофдаги кишилар, бир сўз билан айтганда, жамият зиён кўради. Бир кун жанжал бўлган хонадондан қирқ кун фаришталар қочиши ҳақ гап.

Бир кун жанжал бўлган уйдан...

Н.ҲОЗИЕВ,
«Huquq»

Телефондан қиз боланинг ҳаяжонли овози эшитилди: "Тоға, тезроқ келинг, дадам аямни ўлдириб қўйди!". Бобо Баёзов (исм-шарифлар ўзгартирилган) бу хабарни эшитиши билан поччасининг уйига йўл олди. Опа-си ўлмаган, аммо юз-қўзлари кўкарган ҳолда ҳовлида йиғлаб ўтирарди. Бобонинг "Нега опамни урдинг", деган ҳайкиригидан кейин почча ва қайнука ўртасида муштлашув бошланиб кетди. Натижада шу жанжалдан аввалроқ турмуш ўртоғини калтаклаган С.Хашамов шифохонада бир ҳафтадан кўпроқ ётиб даволанишга мажбур бўлди.

Эр-хотин ўртасидаги можаронинг келиб чиқиши уяли телефондан бошланган бўлса-да, аслида унинг асосида инсон маънавиятига боғлиқ кўп нарсаси бор. Жабранлуқининг судда кўрсатув беришича, хотини қўшнисининг телефони орқали гаплашиб турган. Шунда у турмуш ўртоғига қараб: "Нима учун қўшнининг телефонидан гаплашасан, меники бор-ку" дейди. "Сизникида гаплашиб бўладими?" деб қўлади аёл ва эрининг ортидан уйга кириб, ундан 3500 сўм пул сўрайди. Натижада улар ўзаро жанжаллашиб қоладилар. Хашамов хотинини ҳақорат қилади ва уради. Бу ҳолатдан қўрқиб кетган қизи тоғасига қўнғироқ қилади.

Юзакни қараганда, бу оилавий можарога уяли телефон сабабдай кўринади. Аёл қўшнисининг телефонидан фойдаланмаганда, қизи тоғасини телефон орқали чақирмаганда, албатта, бундай жанжаллар бўлмасди, деган ҳаёлга борасан, киши. Аслида бу можаро эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг номутаносиблиги ва оилада маънавий муҳитнинг қай даражада эканлигини кўрсатади.

Мулоҳазакор кишилар бундай ҳолатда ўзларини тутта билдилар. Инсон ҳаётининг қай тарзда кечиши кўп жиҳатдан билим ва маънавиятига боғлиқ. Улуғ бобомиз Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билик" деб номланган асари мисолида олиб қараганимизда ҳам илм инсонни саодатга томон етаклашига амин бўлимас. Бадийи адабиёт бизни ҳамиша яхшиликка ундайди. Асар маъмуни ёдингиздан қўтарилган тақдирда ҳам китоб ўқиш баробарида яхши хислатларга эга бўлиб бораётганимизни ҳис этасиз. Яхши хислатли кишилар эса ҳаётдаги иқри-чиқрлардан юксакда турадилар. Ҳамма нарсадан инсон шаъни, унинг қадр-қиммати юқори туришини чуқур англаган кишиларда муомала маданияти ҳам ўзгача бўлади.

Юқорида баён қилинган воқеа бошқачароқ тарзда туғати ҳам мумкин эди. Инсон ҳаёти қил ушқанда тургандай омонат. Сал қалтис ҳаракат туфайли ўша "қил" узилиб кетиши ҳеч гап эмас. С.Хашамов хотинини дўппослаётганида аёл хушидан кетиб йиқилган. Ҳўш, у хушига келмаса ёки биратўла ўлиб қолса нима бўларди? Унда эр судда даъвогар эмас, балки жавобгар сифатида қатнашар ва қонун олдида қилмишига яраша жавоб берган бўларди.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг мажлисида эса хотинини урган, ҳақоратлаган ва бу ҳолатдан ўз фарзандининг қаттиқ қўрқиб, стресс олишига сабаб бўлган эр эмас, балки унинг қайнукаси Б.Баёзов жавобгар сифатида кўрсатув берди. Чунки у опасининг ўчини оламан деб, қонунга хилоф иш қилди. Поччасини уриб, соғлиғига зиён етказди. Ваҳоланки, ҳеч кимга бундай ҳуқуқ берилмаган. Жазо тайинлаш фақат суднинг иши — оддий фуқаро эса ўзича ҳукм чиқариб бировни ҳақорат қилиши, калтаклаши ёки бошқа тартибда зиён етказиши мумкин эмас.

Б.Баёзов ёки унинг жабрдийда олмаси масаласида қонун доирасида ёндашиб, С.Хашамовни қилмиши учун судга берганларида масала бошқачароқ тарзда ҳал этилган ва ўз турмуш ўртоғига қўл қўтариб, унинг аёллиқ шаънини топтаган зўравон жазога тортилган бўларди.

Қамаши туманининг "Ногаҳон" кишлоғида бўлиб ўтган бу воқеани мисол тариқасида келтирдик. Мақсад: шундай ҳолат юз берган тақдирда Б.Баёзовга ўшаган "тоға"ларга ҳам, С.Хашамов типидagi худбин "почча"ларга ҳам тўғри йўл кўрсатишдир.

Муқаддас кўрғон дарз кетганда

Кейинги пайтларда Андижон шаҳридаги "ДСК" даҳаси, 2-ўзининг 38-хонадони гурбат масканига айланди. Оила аъзолари, хусусан, ака-ука Миша ва Илмир Валиевлар бир-бирлари билан чиқишолмай қолишди. Ака "Мен каттаман" демайди, ука эса ўзининг кичиклигини тан олмайди. Миша спиртли ичимлик ичиб маст бўлиб келганида, худонинг ўзи тўзим берсин, дейсиз. Боиси, бир-бири билан жиққамушт бўлаётган ака-укани тартибга чақирғунча она бечоранинг бўларин бўлади.

— Эй худо, мен нима гуноҳ қилган эдим? Бу нобакор фарзандларни нима қилсам инсофга келади? — дея ёзгирарди она бояқиш Вазира Чумакова.

Одатда ярани тезроқ даволанмаса, йиринг бойлаб, бутун тангага азоб беради. Миша ҳам Валиевлар хонадони бошига битган тузалмас чипқон эди. Унинг хурмача қилиқларидан нафақат оила аъзолари, балки бутун даҳа аҳлининг тинчлиги бузиларди. Ахир, кечани кеча демай, ярим тун демай жанжаллашадиган ака-укаларнинг бемаъни бақир-чақирлари кимга ҳам ёқарди дейсиз?

2011 йилнинг 2 сентябрь куни кечки пайт спиртли ичимлик ичиб, ғирт маст бўлган Миша бешиктебратардай тебраниб уйига кириб келди. Унинг оғзидан чиқаётган куракда турмайдиган ҳақоратларни қаламча олишга ҳам уятлади, киши. Миша укаси Илмир ухлаётган хонага кириб, ҳеч бир сабабсиз одатдаги жанжални бошлаб юборди:

— Сен ҳам мен келганда ухлаб ётадиган бўлдингми, ахмоқ? Урингандан тур, дедим!

Нима бўлаётганини билмаган укаси Илмир қўрқанича қўзларини очди. Тепасида симёғочдай қаққайиб турган акасини кўриб, қўрқиб кетди.

— Нима бўлди? Мен нима қилман? — деди аранг.

— Ўл бўлди, дард бўлди, бўло бўлди! Мана сенга, мана сенга! — дея қутуриб кетган Миша укасини дўппослай кетди.

— Ҳой, сизларни нима жин урди? Бас қилларинг, ҳозир милиция чақираман, — деди она бояқиш.

Бироқ Миша онасининг бу сўзларини эшитадиган ҳолатда эмас эди. Шунинг учун у безорилигини давом эттиришдан тўхтамади. Ур калтак, сур калтак авжига қикди. Итдай қутурган Миша онаси ва укасининг қаршилиғига қарамай, Илмирнинг юзи ва танасининг дуч келган жойига қасддан уриб-дўппослаб оғир тан жароҳати етказди.

Укаси кўчага қочиб чиқиб кетгач эса, уни ўлдириш мақсадида пичоқни олиб, Илмирнинг ортидан қува кетди.

— Қоч, болам! Тезроқ қоч! Аканг сени ўлдириб қўяди, — деди она ўғилларининг ортидан чиқаркан.

Қўру қарга айланган Миша онаси ва вояга етмаган укасининг кўз ўнгига жиноий ҳаракатларини давом эттириб, Илмирнинг қўраги, бўйни ва юзига бир неча марта пичоқ уришга улгурди. Вазира опа бир амаллаб Мишанинг қўлидаги пичоқни олиб қўйишга муваффақ бўлди. Яхши одамларнинг саъй-ҳаракати билан "Тез ёрдам" чақирилди. Ўз вақтида тез тиббий ёрдам кўрсатилганлиги туфайли Илмирнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Она бечора энгил нафас олиб, қалтираганча ўтириб қолди.

Судланувчи Миша Валиев судда "Мен танишларимникидан бироз ичиб, уйга келсам, онам маст ҳолда уйимизнинг

айвонида турган экан. Укам эса хонасида ухлаб ётган экан. Буни кўриб, иккиси менсиз ичиб, машаат қилишибди-да, деб ўйлаб ҳаҳлим қикди ва Илмирнинг юзига мушт туширдим. Назаримда, у отамнинг ўлимига сабабчидай бўлиб туюлди. Кейин ака-ука муштлашиб кетдик. Жанжалга онам аралашди". дея кўрсатма берди.

Энди тасаввур қилинг, она ўз фарзандлари билан ички-қалбозлик қилса. Бундан ортқ бедодлик бўлмаса керак дунёда. Албатта, бу масаланинг иккинчи томони.

Мана шундай муҳитда тарбияланган ака-укалар ўртасида меҳр-оқибат бўлмаслиги табиий. Яна бир гап: Миша Валиев вилоят психоневрология диспансерида "олигофрения" ташхиси билан ҳисобда туради. Шунинг учун ҳам у ўзини тутолмай қолиб, укасининг ҳаётига тажовуз қилган.

Балки Вазира Чумакова ва ўғли Илмирларнинг бирор ерда ишламасдан спиртли ичимликка ружۇ қўйганликлари ҳам жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлгандир. Ахир ҳалқимиз "Қуш уясида қўрганини қилади", деб бежиз айтмаган. Хуллас, жиноят содир этилди. Пиёниста она ва унинг фарзандлари қонунга мувофиқ тегишли жазоларини олишди. Бироқ Валиевлар оиласининг фожиаси барчага сабоқ бўлиши керак. Зеро, оила энг муқаддас кўрғон. Кимки унинг қонунларини бузса, юқоридагидек ҳолатга тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

«Ўртакаш»лиги панд берди

М.СУЛТОНОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

"Букрини гўр тузатади", деган нақл одатда хато устига хато ёки ҳуқуқбузарлик ёхуд жиноят содир этиб, жазога маҳкум этилса-да, бундан тегишли хулоса чиқармай, яна шундай қилмишга қўл урадиган кимсаларга нисбатан ишлатилади. Бундайлар учун пана-у настиҳат ҳайф. Улар на ўзлари ва на бировлар ҳақида қайғурдилар. Қунарни ўтса бўлди, бошқаси билан ишари йўқ.

Юқоридаги нақлни нақадар ҳаётий эканлигини 1974 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Фарҳод Юсупов мисолида кўришимиз мумкин. Йўқса, эндигина 21 ёшга тўлганда жиноят қўчасига кирган Фарҳод, содир этган қилмиши туфайли 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Бироқ, инсонпарварлик тамойилларига таянган ҳолда ёш йигитга имкон берилиб, амнистия актига қўра, унга нисбатан белгиланган жазонинг ўталмаган қисми аввалига маълум муддатга қисқартирилади. Кейин суднинг ажрими билан жазонинг ўталмай қолган қисми ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 30 фоизини ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилади.

Афсуски, Ф.Юсупов бунга аҳамият бермади. Анқироқ, ўзига билдирилган ишончини суистеъмол қилиб, жиноят содир этди-ю, яна судланди. Кейин яна, яна...

Хуллас, у 30 ёшга тўлганда 5 марта судланганига улгурган эди. Аммо, бу не нонкўрликки, орада уйланиб, 2 нафар фарзанднинг отаси бўлган Ф.Юсупов мана бугун яна суднинг қора курсисига ўтирибди.

Унинг бу сафар қўл урган жинояти аввалгиларига нисбатан фарқ қилади. Буниси бир кишигагина зарар келтирмайди, у жамиятга, биринчи галда оилаларнинг тинчлигини бузиб, норасидалар-

нинг ногирон туғилишига сабаб бўлувчи аср вабоси номини олган оғу билан боғлиқ.

Ўша куни унинг уйига бир-бирини танимайдиган икки таниши меҳмон бўлиб келишди-ю, суҳбат мавзуси ўз-ўзидан гиёҳвандлик воситаларига қўчди. Меҳмонлардан бири олий керакчилигини, агар топилас, сотиб оломоқчи эканлигини айтган эди, иккинчиси суриштириб қўришни ваъда қилди.


Орадан кўп ўтмай танишларидан бири келиб, 900 грамм олий гиёҳвандлик воситасини топганлигини, нархи 3 минг 500 АҚШ доллари эканлигини айтиб, харидор билан гаплашиб қўришни илтимос қилди. Эртасига иккинчи таниши келиб, олийни сотиб олишда ёрдам беришини сўраган эди, Фарҳод рози бўлди. Хуллас, улар унинг уйида яна бир бор учрашмишкан, "сотувчи" молни Фарҳодга қолдириб кетадиган, "харидор" эса пулни бериб, олиб кетадиган бўлди.

Икки-уч кундан кейин ваъдага вафо қилган "сотувчи" молни келтириб берди-да, пулни кейин олиб кетишини айтиб, у билан хайрлашди. "Ўртакаш"лики зиммасига олган Фарҳод молни уйининг орқа тарафидagi экинлар орасига яшириб қўйди-да, "харидор"га қўнғироқ қилиб, ярим кечаси келишни тайинланди.

Бироқ, у ваъдасининг устидан чиқа олмади. "Харидор"ни қутиб олишга чиққанида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинди ва ўша заҳоти олийни яширган жойидан олиб берди...

Икки танишининг ҳолатини чиқармоқчи бўлган Ф.Юсуповга бу "ҳожатбарор"лиги қимматда тушди. Суд томонидан унга 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Тавбасига таянмаганлар



"Кўр ҳассасини бир марта йўқотди, энди хато қилмайман", дейди кўпчилик алашганлар. Бироқ, айримлар барибир ўзига етарли хулоса чиқармас экан. Жиноят кўчасига кирганлар қайтиб яна шу йўлни танлашда давом этаркан.

Жасур (исмлар ўзгартирилган) асли Қашқадарё фарзанди. Тўлқин эса Иштихон туманида туғилган. Улар турли жиноятларни содир қилгани боис муқаддам судланган. "Кўр кўрни қорунғуда топади", деганларидек, Тошкент шаҳри тергов хибсонасида вақтинча сақлаб турилган пайтда танишиб қолишди. Бу орада Жасур етказилган зарарни қоплагани учун суд ҳукмига биноан қамоқдан озод этилди. Тўлқин эса жазони икром этиш муассасасига жўнаб кетди. Кетар чоғи Жасурга уй манзили ва телефони берди.

Вақти-соати етиб, Тўлқин кўнгирак қилиб озод бўлганини айтган эди, Жасур уни Қарши шаҳрига — уйига меҳмонга таклиф қилди.

Эртасига Жасур қариндоши Нуралининг машинасида уни кутиб олди. Шаҳар айлантерди, уйда меҳмон қилди.

— Гапнинг индаллоси шуки, — деди Жасур. — Бизга шу рангли "Нексия-2" керак, — деди у қариндошининг алюминий рангли машинасига ишора қилиб. — Агар ана шунақа машинани кўлга киритсанг, уни қаерда бўлса ҳам ўзимиз бориб олиб келамиз. Эвазига сенга ҳар бир машина учун 2 минг АҚШ долларидан берамиз.

— Ахир мен машинани қандай қилиб кўлга киритаман, унинг ҳужжатлари бўлмайдикун?

— Навоий, Фарғона водийси ёки Тошкентдан бирорта шу рангли "Нексия"ни такси қилиб ёллайсан, бирор овлоқроқ жойга етганда ҳайдовчини тинчитасан. Бизга кўнгирак қилсанг, ўзимизнинг машинанинг номерини унга ўрнатиб, олиб келаварамиз. Кейин машинани эҳтиёт қилсаларга бўлиб, сотиб юборамиз.

Учаллоси режани ана бир бор кўриб чиққан, Тўлқин ортига қайтди.

Қишлоғига қайтиб келган Тўлқин бир неча кун ўтиб, қишлоқдоши — муқаддам судланган Салимни учратиб қолди.

— Сизни учратганим яхши бўлди, — деди Тўлқин. — Маслаҳатли иш бор. Хўп, десангиз, сизни шерик қилиб олам.

Улар бемалол гаплашиб олиш учун шу атрофдаги ошоналардан бирига киришди. Овқатланиш давомида бир шилса арок ичишди. Тўлқин Жасурнинг таклифини айтди.

— Агар машинани ўзлари олиб кетишса, яхши таклиф экан, — деди бироз ўйланиб турган Салим. — Ўйланаятган эдим, шунга пул керак. Фақат бу ишни тезлаштириш лозим.

Бир неча кун ўтиб кўнгирак қилган Жасур иш қандай кетаётганини сўради.

— Ишни бошлаш учун 200-300 минг сўм пул керак. Менда эса бу сумма йўқ, — деди Тўлқин.

— Нимага шуни вақтлорик

айтмадинг, — деди Жасур бироз асабийлашиб. — Ўшанда айтганимда, 200 АҚШ доллари бериб юборардим. Ҳа, майли, эртага Самарқандга келсанг, пул бераман.

Келишилганидек, эртасига Тўлқин айтилган манзилга борди. Жасур Нурали билан машинада келиб, 200 минг сўмни бериб, ишни тезлаштиришни тайинлади. Самарқанддан қайтган Тўлқин Салимни Иштихон шаҳридаги ошоналардан бирига таклиф қилди. Жасурнинг пул берганини, ишни тезлаштириш лозимлигини айтди. Улар маслаҳатлашиб, эртасига Навоий вилоятига жўнаб кетишди.

Кармана шаҳридаги автошоҳбekaтга келгач, шу ердаги ошоналардан бирида пиво ичиб, қўшни вилоятларга қатнайдиган машиналарни кузатиб ўтиришди.

— Тўлқин, — деди Салим. — Юр, шаҳар айлиниб келамиз, ишни кеч бўлганда амалга оширамиз.

Бу гап Тўлқинга ҳам маъқул келди. Айлиниб юриб, бир ошонада кўпроқ ичишгани боис маст бўлиб қолишди.

— Бугун бўлмайди, маст бўлиб қолдик, — деди Тўлқин. — Тошкентга кетамиз, у ердаги квартирамга бориб, дам оламиз ва эртасига иш билан шуғулланамиз.

Иккалasi қайтиб автошоҳбekaтга келишди. Тошкент шаҳрига кетаётган таксиларни савдолашиб турганларида олдиларига алюминий рангли "Нексия-2" автомашинаси келиб тўхтади. Машина ичида иккита йўловчи бор экан.

— Йигитлар, йўл бўлсин, Иштихон туманига икки кишини олиб кетаман, — деди машина эгаси.

— Сизга 70 минг сўм берамиз, бизни уйимизга олиб бориб қўясиз, — деди Тўлқин.

— Ўйларинг қаерда, узокми?

— Қўшрабoтга боришимиз керак, йўлни ўзимиз кўрсатиб берамиз, — деди Салим.

Савдо пишгач, йўлга тушишди. Самарқанд вилояти ҳудуди-га етганларида Тўлқин ҳайдовчининг телефони олиб, Жасурга кўнгирак қилди-да, йўлга қишганганини айтди. Жасур ҳам Нурали билан тезда Самарқандга етиб боришни билдирди. Иштихон туманига келишганда икки йўловчи машинадан тушиб қолишди. Олд ўриндикка ўтириб олган Салим йўл кўрсатиб бораверди. Машина тобора шаҳар марказидан узоклашиб, қир-адирларни оралаб кетаверди.

— Ака, машинани тўхтатиб юборинг... — деди Салим овлоқроқ жойга етганларида.

Ҳеч нарсадан хабари йўқ ҳайдовчи машинани йўл четига тўхтатди. Ҳаммалари машинадан тушишди.

— Бошла, бошла, — деди Салим Тўлқинга кулай пайт келганини айтиб.

Улуғбек ҲАМДАМОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси
бўлим АМИБ терговчиси
Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Huquq»

Тўлқин шу заҳоти ҳайдовчининг кўкрагига бир мушт туширди. Каловланиб қолган ҳайдовчи ўзини ўнглаб олиб, Тўлқиннинг юзига уриб қолди. Олишувга Салим ҳам қўшилиб, иккалasi ҳайдовчини тепкилай бошлашди. Бунга ҳам қаноат қилмай, унинг бошига бир неча бор тош билан уришди. Ҳамма жойи қонга беланган ҳайдовчи хушини йўқотар даражага етганда, йўлдан "Жигули" машинаси ўтиб қолди.

Машина йўл четига тўхтаб, ундан бир неча одам тушди. Уларни кўрган ҳайдовчи "ердам беринглар, ҳозир булар мени ўлдириб қўяди" деб юғура бошлади. Тўлқин унинг ортидан югуриб бориб, тепиб йиктиди. "Жигули"дан тушиб келаятган кишиларга "йўлингдан қолма, бўлмаса сенларга ҳам муаммо бўлади" деди. "Булар ўзaro жанжал қилаётти, кетдик" деди машинадан тушганларнинг ёши каттарoғи. Улар машиналарига ўтириб, жўнаб қолишди. Босқинчилар машинанинг хавфсизлик камарини кесиб олиб, ҳайдовчининг қўлоёқларини боғлашди.

— Жон акалар, мени ўлдириманглар, сизларга ҳоҳлангларингча пул бераман, — деб ёлвора бошлади ҳайдовчи.

Аммо босқинчилар унинг гапига қўлоқ солишмади. Уриб-тепиб, машина юкхонасига ортишди. Машинада бироз юриб, ҳайдовчининг қўл телефони ва чўнтагидagi пулларини олишди. Ўзини эса қўл-оёғи боғланган ҳолда, яқин атрофдаги қир-қилиннинг ўзанига ташлаб кетишди.

Машинани кўлга киритишгач, Иштихоннинг Митан шаҳарчасига бориб, янги кийимлар сотиб олишди. Қон теккан кийимларини эса ташлаб юборишди. Сўнг ҳайдовчининг телефонидан Жасурга кўнгирак қилиб, иш битганини, тезроқ етиб келишни тайинлашди. Ўз ўрнида Жасур билан Нурали машиналарини Самарқанд шаҳридаги автомобилларни вақтинча сақлаш жойига қўйиб, номерини ечиб олишди. Йўловчи машинада айтилган жойга келиб, олиб келган номерни машинага тақшиди. Шундан сўнг Жасур Тўлқиннинг қўлига 600 минг сўм берди. Қолганини кейинроқ беришни айтиб, йўлга тушди. Салим уйига, Тўлқин эса Тошкентга жўнаб кетишди.

Эртасига Салим ҳайдовчи ташлаб кетилган жойга борди. У аллақачон ўлиб қолган экан. Жасадни эшакка ортиб, қирдаги ўралардан бирига олиб бориб ташлади. Ҳеч кимнинг эътиборини тортмасин, деб устига хас-хашак ташлаб қўйди. Тўлқинга кўнгирак қилиб, қилган ишини, энди ҳиди қиқмаслигини айтиб, Жасурдан ваъда қилинган пулларни тезроқ олишни тайинлади.

Эртаси кўни мол боқиб юрган қишлоқ болалари ўрадан келаятган ёқимсиз ҳидни сезиб, бирон кишининг моли ўлиб қолдимикан, деб ўрага тушишди. Жасадни қўришгач, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришди. Қотиллар тезда аниқланиб, иш судга ошди.

Арзимас пулни, деб бир инсон умрига зомин бўлган қотиллар тегишли жазога тортилишди.

Ҳаёт тасодифларга бой. Биров йўлла, яна биров бошқа жойла танишади. Гоҳида ўртада дўст-биродарлик каби ришталар пайдо бўлади.

Даромадди «иш»

Абдулла КОДИРОВ,

Мирзо Улуғбек туман прокурори ўринбосари

Замира Рустамова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам Гулбаҳор исми аёлни учратиб, у билан ола-сингил ту-тинди. Аёлнинг самимий оҳангдаги гап-сўзлари Зами-рага маъқул келди, шекилли, Гулбаҳорни ўз орасида қўриб қолди. Кунларнинг бирида Замира уникига меҳмон бўлиб келди.

— Опа маслаҳатингиз керак. Биласиз, раққосаман. Агар тузук-роқ иш бўлса... Нима дейсиз?

Гулбаҳор жавобга шошилмади. Аксинча, нигоҳини бир нуқтага қадаб, ўйга толди. Замира сукунатни бузди.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, Уйда фақат мен пул топаман.

— Тушунаман... — деди Гулбаҳор оғир-вазминлик билан. Сўнг тўсатдан чехраси ёришиб кетди: — Шошма, Қозогистонда танишларим кўп. Биттаси ошонада ошпаз бўлиб ишлайди. Иста-санг, ўша ерда официантлик қилишинг мумкин. Яхши тўлашди, нима дейсан?

— Билмасам. Онам билан гаплашиб кўрай...

Гулбаҳор қизга у ердаги шароит, ҳатто ахлоқ-одоб борасида ҳам гапириб, қизиктира бошлади. Гулбаҳорни ҳудди орасида деб билган Замира унинг гапларини эшитиб ўтирар экан, кўнгли тоғдек кўтарилди. Хуллас, опа Замирани бир таниши билан учраштириб қўйишни ваъда қилди-да, кўп ўтмай сўзининг устидан чиқди.

— Бу Муниса опанг, — дея ўзи билан бошлаб келган аёлга имо қилди. Сўнг Мунисага назар ташлади: — Замира шу бўлади.

Муниса қизга бошдан оёқ разм солди.

— Майли, сиз менга ёқдингиз. Ердан бераман, — деди-да, сўнг Гулбаҳорга юзланди: — Сен илтимос қилсан-у, мен йўқ дея олар-мидим.

Пойтахтдаги ошоналардан биридаги бу суҳбат яна ишга та-қалди. Муниса дугонаси сингари у ерда официантлар оладиган маош ҳақида оғиз қўптириб, мактаб бошлади. Бу гапларни эши-тиб, Замиранинг оғзи очилиб қолаядди. Кўп ўтмай, Замирани "хиз-мат сафари"га, яъни Қозогистонга жўнатадиган бўлишди.

Давлат чегарасидан ўтаётганда Замира Муниса ўргатгандай: "Онамнинг олдига кетяпман. Онам бозорда ишлайди, илгари пас-порт олмасимдан олдин ҳам кўп борганман", деб ёлғонни дўндир-ди. Қозогистон Республикасига ўтиб бўлгандан сўнг эса, Муниса "Паспортингни йўқотиб қўйишинг мумкин", дея олиб қўйди.

Манзила етишгач, "ҳожатбарор" опа Замирани "Айнура" ис-ми аёлга топширди. "Айнура" унга очик-сочик қийимлар кийди-риб, уйдаги қизларга қўшиб қўйди. Хонадонга эркаклар кела бошлагандagina Замира уни бир ерга нима мақсадда олиб келишганлигини аналди. Афсуски, кеч бўлган эди. Замиранинг орзулари саробга айланган етмагандай, бу ерда вақти кел-ганда калтак "таъми"ни ҳам татиб қўришга мажбур бўлди. Ана шундай хунук ва бадбўй шароитдан уни қизини излаб борган онаси қутқариб олди.

Мазкур ҳолат бўйича айбдорларга нисбатан жиноят иши қўзга-тилиб, суд ҳукми билан тегишли жазо тайланди.

Нафс балоси

2010 йилнинг 4 апрелидан
Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги бош
меъмори лавозимига тайин-
ланган Иброҳим Билоловнинг
(исм-фамилиялар ўзгартирил-
ган) вақти келиб нафс домига
илинишини уеч ким ҳаёлига
келтирмаган эди. Сабаби
унинг вазифасини сиқийми-
дан, астойдил адо этаётгани-
ги ҳаммага аён эди-да.

Иброҳим Билолов шай-тон нағмасига уқдими ёки мансаб юки оғир-лик қилдими, хуллас, нафс ба-лосига йўлиқиб, пул топишининг, осон йўлларини қидира бошла-ди. Ана шундай қиларнинг би-рида, яъни 2012 йилнинг 12 ян-вар куни савдо дўкони қуриш учун ер олиш ниятида юрган Носир Жўраев унга мурожаат қилди. Бу эса, Иброҳим Билолов учун айна муддао бўлди. Чир-чиқ шаҳар "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бўлими ёнида жойлашган 12 квадрат метр ер майдонида савдо дўкони қуриш-га Чирчиқ шаҳрининг савдо ну-қталарини ўрнатиш дислокация ҳужжатларини расмийлаштириб бериш эвазига ундан 1 минг 300 АҚШ доллари миқдориди пул сўрайди.

Носир Жўраев ҳам аниойлар-дан эмас экан. У И.Билоловнинг олдида чиқиб, МХХ Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар бўлими-га боради ва ариза билан му-рожаат қилади. Ниҳоят, бир неча кундан кейин у И.Билоловга

Жаҳонгир ЮСУПОВ,
Тошкент вилоят прокуратураси
АМИБ катта терговчиси

кўнгирак қилиб, пул тайёрлиги-ни, Чирчиқ шаҳридаги "Олтин-Диёр" ресторанида кутаётган-лигини айтди.

Табийки, пулнинг дарагини эшитган И.Билолов "оёғини қўлига олиб" етиб келади ва пулларни санаб олиб, чўнтагига солаётган пайтда уни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходим-лари қўлга олишди.

Суд ҳайъати судланувчи И.Билоловга жазо тайинлашда муқаддам судланмаганлигини, яшаш ва иш жойидан ижобий тавсифланганлигини, уч нафар фарзанди борлигини ҳазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, ғаразли ёки текин бойлик ор-тириш мақсадида жиноят содир этганлигини ҳазони оғирлаш-тирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, унга нисбатан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жа-зоси ва 2 йил муддатга мансаб-дорлик ва моддий жавобгарлик қотилган вазифалардан иш-лаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жа-зосини тайинлади.

Нафс балоси киши бошига не-не балоларни солмайди дейсиз. Мисқоллаб йиғилган обрў бирпасда йўққа чиқди. Бу-нинг барчасига И.Билоловнинг ўзи айбдор, йўқса, кўпчилик орзу қиладиган иш, бинойидек оиласи борлигига шукўр қилиб ўтириш ўрнига, нафс домига илинармиди.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 29 июндаги 40-сонли буй-ругига асосан Жиззах вилояти, Зомин тумани ҳокимлигига қарашли Зомин шаҳарчаси ҳудудда жойлашган, умумий ер майдони 2,0 га., фойдали майдони 2202,93 кв.м: бўлган "Бино ва иншоотларнинг бир қисми" қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси — 215 893 000 сўм.**

Қўшимча 200 000 000 сўмдан кам бўлмаган миқдорда инвестиция кири-тиш мажбуриятини олиш.

Танлов савдосида иштирок этиш учун талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган буюртманомаларни «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22626000804920609001, АТБИ «Ипотекабанк» Жиззах вилоят филиали, МФО: 00122,СТІР: 207122519.

Танлов савдосига қатнашиш учун савдо ташкилотчиси ва талабгор ўртасида закатат тўғрисидаги келишув им-золашти, шундан сўнг талабгор савдо ташкилотчисига танлов савдоси ўтқа-

зиш тўғрисидаги хабарномада белги-ланган муддатларда қуйидаги ҳужжат-ларни илова қилган ҳолда танлов сав-досида қатнашишга буюртманомани тақдим этади:

Танловда қатнашиш учун савдо таш-килотчисига талабгор ёки унинг ваки-ли танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон-да белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатна-шишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлашти-рилган, унинг шахсини тасдиқлайди-ган ҳужжатнинг нусхаси илова қилин-ган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспорт-нинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунинг-дек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқ-лайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов тўғрисидаги билдиришном-да кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закатат тўланганлигини тасдиқлайди-ган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузил-ган ва қуйидагиларни ўз ичига олади-ган икки нусхадаги оғзи ёпиштирил-ган конвертларга солинган танлов так-лифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестиция мажбуриятларининг так-лиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

агар бу танлов шартларида белги-ланган бўлса, қўшимча равишда талаб-горнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритили-ши мумкин.

Танлов ўтказиш қоидалари, танлов шартлари ва танлов таклифи шакли-ни ўз ичига олган танлов ҳужжатлари «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиалига белгиланган тартибда тўлдирилган ва имзоланган мурожаатнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олинishi мумкин.

Танлов савдоси 2012 йил 6 август куни «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида соат 15:00 дан бош-лаб ўтказилади.

Буюртманомаларни қабул қилиш-

нинг охириги муддати 2012 йил 6 ав-густ куни соат 12:00 да тўхтатилади.

2012 йил 6 август куни ўтказилади-ган очик танлов савдосида сотилмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2012 йил 6 сентябрь, 8 октябрь ва 8 ноябрь кунлари «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида соат 15:00 да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомал-ларни қабул қилишнинг охириги муд-дати, савдо бошланишидан 3 соат ол-дин тўхтатилади.

Таклифларни очиб вақтида танлов ўрнатилган тартибда қатнашаётган сар-моядорларни ёки уларнинг ваколат-ли вакиллари иштирок этишлари мум-кин. Савдода энг мақбул таклиф кирит-ган талабгор танлов ғолиби деб топи-лади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бош-лаб 20 (йигирма) кун муддат ичида та-сарруф қилиш шартномасини имзо-лаш шарти юклатилади.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказилгандан манзил: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Сав-долар «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Теле-фон: (8-372) 222-34-16. Расмий сайти-миз: www.1kms.uz. Лицензия: RR 0001.

"BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни тақомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарорига асосан ўтказилган танлов савдолари натижаси.

Ер участкасига бўлган доний фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ҳар бир ер участкасининг минимал қиймати (минг сўм)	Сотилиш қиймати (минг сўм)
Кўп қаватли уй-жой, савдо, маншй хизмат мажмуаси қуриш учун 2 та ер майдони	Бухоро шаҳар Б.Нахшбанд кўчаси ёқасида	573 300	7 000 000
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1 та ер участкаси	Жондор тумани Дўстлик кўчаси ҳудудда	33 000	200 000
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон тумани Б.Нахшбанд к.ф.й. ҳудудда	15 000	83 000 дан 95 600
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 5 та ер участкаси	Когон тумани Ниёз Ҳожи к.ф.й. ҳудудда	15 000	100 000 дан 250 000 гача
Автомобилларга техник ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 3 та ер участкаси	Когон тумани Тутқунда к.ф.й. ҳудудда	30 000	100 000 дан 200 000 гача
Автобекатли савдо дўкони қуриш учун 1 та ер участкаси	Когон шаҳар Бухоро шох кўчаси ҳудудда	13 530	360 000
Автобекатли савдо дўкони қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон шаҳар Бирдамлик кўчаси ҳудудда	13 530	100 000 дан 150 000 гача
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон шаҳар Маншъл кўчаси ҳудудда	202 950, 67 650	250 000 дан 500 000 гача
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1 та ер участкаси	Когон шаҳар Махтумқули кўчаси ҳудудда	60 434	100 000
Минимаркет ва бичиш-тикиш пети қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон шаҳар Аҳиллик кўчаси ҳудудда	67 650, 54 120	800 000 дан 1 000 000 гача
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1 та ер участкаси	Когон шаҳар М.Таровий кўчаси ҳудудда	103 730	800 000
Дуракторлик ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун 1 та ер участкаси	Қоровулбозор тумани Тинчлик м.ф.й. Бобур кўчасида	47 000	60 000
Савдо мажмуалари ва маншй хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун 6 та ер участкаси	Қоровулбозор тумани Чўлқувар м.ф.й. Геологлар кўчасида	47 000	150 000 дан 250 000 гача
Савдо дўкони қуриш учун 2 та ер участкаси	Қоровулбозор тумани Навбахор к.ф.й. Куристепи қишлоғида	47 000	150 000 дан
Савдо дўкони қуриш учун 4 та ер участкаси	Қоровулбозор тумани Жаркок к.ф.й. Жаркок қишлоғида	47 000	70 000 дан 150 000 гача
Савдо ва маншй хизмат кўрсатиш дўкони қуриш учун 14 та ер участкаси	Қоровулбозор тумани Ал Буторий м.ф.й. Мустақиллик кўчасида	47 000	50 000 дан 155 000 гача
Қишлоқ хўжалик техникалари ва автомобилларга сикланган (метан) газ қуйиш шотобчаси қуриш учун 1 та ер участкаси	Ромитан тумани Челоғу к.ф.й. Чилпир м.ф.й. ҳудуддан	747 000	1 200 000

"Танлов ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти. Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Лицензия RR 0029, E-mail: bg_reltor@list.ru, tel: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

"BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириги бориш тартибида ўтказилган очик "Аукцион" савдолари натижаси.

Ер участкасига бўлган доний фойдаланиш ҳуқуқининг тавсифи	Ер участкасининг жойлашган жойи	Ҳар бир ер участкасининг минимал қиймати (сўм)	Сотилиш қиймати (сўм)
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4 та ер участкаси	Вобкент тумани Халач к.ф.й. Ниёзхўжа аҳоли маскани ҳудудда	320 000	400 000 дан 425 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 3 та ер участкаси	Вобкент тумани Халач к.ф.й. Халач аҳоли маскани ҳудудда	320 000	390 000 дан 400 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 6 та ер участкаси	Вобкент тумани Қумушкент к.ф.й. Ҳўжарабод аҳоли маскани ҳудудда	320 000	400 000 дан 425 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1 та ер участкаси	Вобкент тумани Қўнгирот к.ф.й. Косари аҳоли маскани ҳудудда	320 000	400 000
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқозихон к.ф.й. Қалти аҳоли маскани ҳудудда	320 000	425 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 10 та ер участкаси	Ромитан тумани А.Навоий м.ф.й. Лағлака кўчаси ҳудуддан	639 000	800 000 дан 1 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон тумани Сараён к.ф.й. Сараён қишлоғи ҳудуддан	252 000	450 000 дан 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Жондор тумани Озхик к.ф.й. Тухсаб қишлоғи ҳудуддан	373 200	650 000 дан 800 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 4 та ер участкаси	Вобкент тумани А.Дониш кўчаси ҳудуддан	740 000	900 000 дан 1 000 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 3 та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқозихон к.ф.й. Имомқозихон аҳоли маскани ҳудудда	320 000	400 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Когон тумани Қончилар м.ф.й. Деча афғон қишлоғи ҳудудда	252 000	350 000 дан 500 000 гача
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 7 та ер участкаси	Вобкент тумани Харғуш к.ф.й. Тағалак қишлоғи ҳудуддан	320 000	420 000 дан 450 000 гача
Якка тартибда уй жой қуриш учун 4 та ер участкаси	Вобкент тумани Уба Қуллол кўчаси ҳудуддан	320 000	970 000 дан
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 2 та ер участкаси	Жондор тумани Хумин к.ф.й. Қишлоқ қишлоғи ҳудуддан	373 200	500 000 дан
Якка тартибда уй-жой қуриш учун 1 та ер участкаси	Вобкент тумани Имомқозихон к.ф.й. Қалти аҳоли маскани ҳудуддан	320 000	500 000
Кўп қаватли гузар жой биноси қуриш 1 та ер участкаси	Бухоро шаҳар А.Жомий кўчаси ҳудуддан	7 396 200	9 650 000

"Аукцион ташкилотчиси" — "BEST GLOBE REALTOR" масъулияти чекланган жамияти.

Аукцион савдолари манзили: 200100, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси, 10-уй.

Лицензия RR 0029, E-mail: bg_reltor@list.ru, tel: +99 895 600-97-17, 8 365 223-49-24.

Эътиборга муносиб бўлинг

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этган Концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида навбатдаги устувор вазифалар белгиланиб, жумладан, "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" - ги, "Телерадиозшароитлар тўғрисида" ги, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида" ги, "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" ги Қонунларини

қабул қилиш, "Оммавий ахборот воситалари эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида" ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилди. Бундан ташқари, Президентимиз касб байрамлари муносабати билан Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимларига йўллаган табригида "Шу йўлда доимо интилиб, изланиб яшайдиган журналистларни мен ҳамisha қўллаб-қувватлашга, керак пайтда ёрдам ва қўмак беришга тайёр эканимни, уларни ўзининг энг яқин ҳамфикр ва маслақдошларим деб билишимни изҳор қилмоқчиман" дея таъкидлаб ўтди. Буларнинг барчаси оммавий ахборот воситаларига бўлаётган

катта эътибордан далолатдир. Оммавий ахборот воситалари орасида сиз фаолият юритаётган "Huquq" газетаси ҳам ўзига хос салмоқли ўринга эга. Менга газетадаги "Мулоҳаза", "Тахлил", "Талқин", "Жиноят ва жазо", "Долзарб мавзу", "Ракурс" руҳи остида чоп этилаётган мақолалар манзур бўлаётти. Айниқса, газета саҳифаларида ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларининг ёритилиши таҳсинга сазовордир. Чунки мустакил юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳуқуқий маданият эгаси бўлмоғи даркор. Бундай шарафли ишда журналистларимизга муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламан.

Э.РЎЗИЕВ,
прокуратура фахрийси

Спорт



UEFA
EURO 2012
POLAND-UKRAINE

«Қизил фурия»
финалда «Мовий гвардия»ни таслим этди

Салкам бир ой мобайнида футбол мухлисларига гоҳида қувонч, гоҳида алам бахшида этган Евро-2012 ҳам ўз нинтиҳосига етди.

Чемпионат бошланишидан аввал кўпчилик финалга Испания ва Германия терма жамоалари етиб боришини башорат қилган эди. Ярим финалга қадар бу башорат ўз исботини топиб, чиндан-да бу сафарги Европа чемпионатида «қизил фурия» ва «немис машинаси» чемпионлик учун асосий даъвогар эканликларини амалда кўрсатиб қўйишди. Бироқ ярим финал Германияликлар учун омадсиз кечди. Аслида доимо кучлилар сафида эътироф этиладиган Италия терма жамоаси чемпионат олдидан ўрта-миёна жамоалар қаторида тилга олинаётган эди. Бундан ташқари, айнан чемпионат бошланишидан олдин келишилган ўйинлар борасида бошланиб кетган маш-машалар, бир қатор футболчи ва мутасаддиларнинг шубҳа остига олиниши, буларнинг барчаси Италия терма жамоаси учун катта зарба эди. Аммо улар тушунлиққа тушишмади. Аксинча, ана шундай қийин вази-

ятда жипслашиб, матонат билан финалга қадар бўлган йўлни босиб ўтишди. Ярим финалда кимсан «немис машинаси»ни «ишдан чиқаришди». Ўша ўйинда қайсар Балотелли катта саҳнага чиқди. Ким ҳам ўйлабди дейсиз, ана шундай феъли оғир футболчининг ювощи тортиб, терма жамоасининг муваффақияти учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилишини. Ўзининг машҳур химовий ўйини билан ном таратган италияликлар бу чемпионатда ҳужумкор ўйин кўрсатишини очиги ҳеч ким кутмаган эди. Айниқса, финал учрашуви олдидан майдонга саф тортган «мовий гвардия»нинг ҳар бир аъзоси Ватан мадҳиясини қандай қуйлаш кераклигини кўрсатиб қўйди. Италия Евро-2012да барчани ана шундай жиҳатлари билан барчани ҳайратга солди.

Финал баҳси ҳақида ортиқча тўхталиб ўтиришнинг ҳожасти бўлмаса керак. Ўша оқшом баъзи ўйинлардаги хатти-ҳаракатлари билан мухлисларнинг эътирозига сабабчи бўлган Испания терма жамоаси барча кучини финалга асраб қўйганини намоиш этди. «Қизил фурия» ҳал қилувчи учрашувда умуман бошқача ўйин кўрсатиб, юқорида келтирилганимиздек турнирни аjoyиб тарзда ўтказган «мовий гвардия»ни тормор этди. Агар кимдир финалда испанлар 4:0 ҳисобида галаб қозонади деса, ҳатто испанияликларнинг ўзлари ҳам ишониммаган бўларди. Аммо гуруҳдаги илк учрашувда «қизил фурия» билан муроса қўчасини танлаган италияликлар финалда йирик ҳисобдаги мағлубият аламини тотиб қўришга мажбур бўлишди. Очиги, бу финал «мовий гвардия» учун аталмагани яққол кўзга ташланди. Чезари Пранделли ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ жараҳат олган Кьеллини майдондан олишга мажбур бўлган бўлса, иккинчи бўлимининг 10 дақиқаси ўтар-ўтмас сўнгги ўзгаришнинг амалга ошириб, Монталвони Мотта билан алмаштирди. Бироқ унинг бу қарори ўзини оқламади. Ҳали майдон ҳароратига мослашиб улгурмаган Мотта жараҳат олди ва «мовий гвардия» бўёғига майдонда 10 киши бўлиб ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Табиийки, «қизил фурия»дай дунёнинг энг кучли термасига қарши бир киши кам бўлиб ўйнашнинг ўзи бўлмайди. Айни ўша дақиқалардаёқ ўйин тақдирини ҳал бўлганди. Қолган вақтда испанлар жуда эркин ҳаракат қилишди ва ҳисобни йирик қўришнишга олиб келишди. Шу тариқа испанлар кетма-кет икки маротаба Европа чемпионатини қўлга киритган биринчи мамлакатга айланишди.



Хорижнинг машҳур ҳуқуқшунослари



Альваро ХИЛЬ-РОБЛЕС 1944 йилда Лиссабон (Португалия)да дунёга келган. Бугунги кунда Испания фуқароси ҳисобланади. Мадрид университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган, юридик фанлари доктори. Фаолияти давомида Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш йўналишида бир қанча ишлар олиб борган. 1968 йилдан буён Мадриддаги Адвокатлар уюшмаси аъзоси, 1972-1978 йиллардан Компьютенсе университетиди ҳуқуқшунослик фанидан дарс берган. 1980-

1983 йиллар мобайнида Испания Конституциявий суди судьяси лавозимида ишлаган. 1983 йилдан Испаниянинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Омбудсман марказининг биринчи ўринбасари лавозимида фаолият юрита бошлаган. 1988-1993 йилдан Миллий Омбудсман марказининг директори лавозимида меҳнат қилган. Аргентина, Парагвай, Боливия, Коста-Рика, Гватемала, Сальвадор ҳамда Панама давлатларининг Омбудсман қонунларини яратишда катта ҳисса қўшган. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш халқаро ва миллий ташкилотлар томонидан унинг энг моҳир маслаҳатчи эканлиги эътироф этилади. Испан, француз ва инглиз тилларини ҳам мукаммал билади.

Ральф НАДЕР 1934 йили Ливанда туғилган. 1955 йилда Гарвард университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тамомлаган. Талабалик йилларида университет ҳовлисидаги қўм-қўқ майсаларга қўнган қўшлар ўз-ўзидан ўлиб қолишини кўриб, бунинг сабабини топишга киришган. Аниқланишича, майсаларга турли захарли химиявий воситалар сепилар экан. У мазкур ҳолат юзасидан ректорат маъмуриятига шикоят аризаси билан мурожаат қилади. Ўзинг бу ишни кўпчилик масхара қилишган эди. 1965 йилда чоп этилган "Хар қандай тезликда хавфсиз" номли китоби катта шов-шувга сабаб бўлган. У ўз китобида "Дженерал моторс" ва бошқа автомобиль чикарарчи компанияларини сифатсиз ва ишонсиз машиналар чикаришгаётганида айблаган. 1980 йилда у истеъмолчилар ҳуқуқини химоя қилиш бўйича "Паблик ситизен" ташкилотини ташкил этган. У даромадининг 80 фоизини истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш учун сарфлаётганини ҳам сир тутмаган.

Гули ХОЖИМБЕОВА
тайёрлади

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН *

«Хоразм ko'chmas mulk savdo servisi»
МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

"Хоразм ko'chmas mulk savdo servisi" МЧЖ савдолар залида навбатдаги очиқ аукцион савдосига "Хоразм кафолат савдо" очиқ акциядорлик жамияти Кузатув Кенгашининг 2012 йил 27 июндаги 11-сонли мажлиси йиғилиши баёни қарорига асосан "Хазорасп савдо" шўъба корхонасига қарашли Хазорасп туман Мухомон қишлоғида жойлашган "Қурилиш тугалланмаган нон комбинати бино ва иншоотлари"ни қўймоқда:

Бошланғич баҳоси — 205 516 000 сўм

Очиқ аукцион савдоси 2012 йил 6 август куни соат 10:00 да ўтказиладди.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Хоразм вилояти, Урганч шаҳар, "Шерозий" кўчаси, 12-уй.

Ўшбу мол-мулклар 2012 йил 6 августдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, тақрорий аукцион савдолари 2012 йил 8, 10 август кунлари бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз.

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— jisemonий шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Ўшбу савдода қатнашиш истиғида бўлган харидорлар закалат шартномасини тузиб, "Хоразм ko'chmas mulk savdo servisi" МЧЖ ҳисоб рақамига 10 фоз гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб рўйхатдан ўтишлари шарт. Ариза қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 17:00да тўхтатилади. Ҳисоб рақами 2020800080493571001 АТИБ "Ипотека банк" Тинчлик филиали МФО: 00580, СТИР: 302101924.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлалди 10 (ўн) кун муддат ичида олди-сотиш шартномасини имзолаш бошлатилади.

Телефон: +99862-511-88-88, 226-88-87. Лицензия RR-0054

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV
Svetlana ORTIQOVA
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiallari.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-4851. 46 940 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nabatchi muharrir: O' DEHQONOV
Musahhih: M.QAMBAROV
Nabatchi: O' DEHQONOV

Bosmaxonada topshirish vaqti: 22.00.
Tashvirlanadi: 20.00 123456789

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yl
12-oktabrda 0188-raqam
bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7437

